

6
**Кишки
мавсум
масъулияти**



**«Адолат ва
ҳалоллик доимо
ғалаба қилади**

17




**ХАР КИМКИ
ЁМОН БЎЛСА...**

19



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!



ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 14 октябрь, шанба • 41 (3675)-сон

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларни ижтимоий мадад қилишни кучайтириш мақсадида:

1. 2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 12420 сўм;
ёшга доир пенсиялар – ойига 24600 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 12420 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 24600 сўм;
зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 14900 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING F A R M O N I

2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирлик-

лар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан

боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳ-

нат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 июндаги ПФ-3761-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2006 йил 1 ноябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 12 октябрь

2006 йил – ҳимийлар ва шифокорлар йили



Суратларда: ИИВ Марказий госпитали жарроҳлик бўлими бошлиғи, подполковник А.Омонов (чапдан), ҳамшира И.Майшковая ва жарроҳ, лейтенант М.Сағатов; клиник таълим лабораторияси бошлиғи, катта лейтенант Г.Раҳматуллаева (ўнгда) ва катта ҳамшира Г.Муҳамедова.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган таҳририяти «ПОСТДА», «НА ПОСТУ» газеталари ҳамда «QALQON», «ЎЦИТ» журналларига 2007 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмокда.

Жинойат қидирув хизмати воқеалари, терговчи ён дафтарида, криминал воқеалар, суд очеркларига қизиқсангиз, нашрларимизга обуна бўлинг. Газета-журналлар саҳифаларида мамлакатимиз ҳамда дунё янгиликлари, теледастурлар, мунажжимлар башорати ва бошқа хабарлар мунтазам бериб борилади. «Сиз кутган учрашув», «Бевосита мулоқот», «Саломатлик», «Спорт», «Долзарб мавзу» каби ранг-баранг мавзуларда тайёрланган саҳифалар, кроссворд, сканвордлар сизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, дунёда содир бўлаётган оламшумул янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлишни истасангиз, газета ва журналларимизга обуна бўлишга шошилинг.

ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«Постда» – 180 (366) «На посту» – 169 (367)
«Qalqon» – 970 (1083) «Ўцит» – 971 (1084)

ОБУНА – 2007



Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришдир. Шу маънода юртимиз Президентининг Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш борасидаги Фармонлари катта аҳамиятга эгадир. Ушбу ҳужжатлардан бири инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминлаб берса, иккинчиси, шахснинг эркини асосиз чеклаш, унинг шахсий ҳаётига ўринсиз аралашининг олдини олиш кафолатларини кучайтиради.

2008 йил 1 январдан жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга судлар санкция беради. Бу суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва демократлаштириш жараёни давом этаётганлигининг тасдиғидир. Хусусан, тергов чоғида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш масаласини ҳал этишда судларнинг ваколатлари кенгайтирилган даракдир.

Маълумки, шахсни қамоққа олиш унинг эркинлигини чеклайди. Фуқарони қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга

ўтказилиши шахснинг эркинлигини чеклаш масаласини очиқ суд жараёнида ҳал этиш имконини беради. Бу жараёнда гумон қилинувчи, унинг адвокати, прокурор ва бошқа манфаатдор шахслар иштирок этишади. Менимча, бу тергов жараёни чоғида шахснинг эркинликларини тўла ҳуқуқий кафолатлаш имконини беради.

Фармоннинг ўз вақтида қабул қилинганлиги яна шунда намоён бўладики, амалиётда камдан-кам бўлсада, қамоққа олишга асосиз санкция бериш ҳоллари учраб туради. Бунга асосан субъек-

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

тивизм сабаб бўлади. Суд идоралари эса Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилгач, қатъий қонунга асосланган ҳолда, масалани ҳар томонлама, холислик билан кўриб чиққач, санкция беришади.

Бундай тартибнинг жорий этилиши Ўзбекистон Республикасида шахсни жиноят таъқиби қилиш чоғида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро стандартларга сўзсиз риоя қилинаётганидан, инсонпарварлик ва адолатпарварлик йўлидан бораётганидан далолатдир. Шу билан бир қаторда бу мамлакатимизда суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолати сифатида унинг нуфузини ошириш борасида янги босқичдир.

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони давлатимизнинг суд-ҳуқуқ тизими жаҳон андозаларига мослигидан ва Конституциямизда эълон қилинган адолат, инсонпарварлик тамойилларига амал қилаётганидан дарак беради. Ана шу тамойиллардан келиб чиқиб Ўзбекистонда ўлим жазоси қўлланиладиган соҳалар қисқариб борди. 1998 йил августига қадар жиноят қонунчилигида 30 дан ортиқ жиноятлар учун ўлим жазоси кўзда тутилган эди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят — процессуал кодекслар ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва тўлдиришлар киритилгач, ўлим жазоси фақат оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам

ўлдириш, агрессия, геноцид ва терроризм жиноятлари учун бериладиган бўлди.

2003 йилда жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар кўрилгач, фақат оғирлаштирадиган ҳолатларда одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учунгина ўлим жазоси сақлаб қолинди. Маълумки, мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони 2008 йил 1 январдан кучга киради. Ана шу муддат ичида Фармонда кўзда тутилган барча тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Шундай қилиб, 2008 йил 1 январдан эътиборан, юртимизда ўлим жазоси жиноий жазо тури сифатида бекор қилинади. Унинг ўрнига умрбод қамоқ ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий қилинади. Бу жазолар Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан тайинланади. Сабаби, ушбу судларда энг малакали ва тажрибали судьялар фаолият кўрсатишади. Бу эса адолатсиз ҳукмлар чиқариш эҳтимолини камайтиради.

Фармон матбуотда эълон қилинган, баъзи ҳуқуқшунослар, шунингдек, айрим ҳамюртларимиз ўлим жазосининг бекор қилиниши оғир жиноятларнинг кўпайишига олиб келмасмикан, дея хавотирга тушишди. Аммо жаҳон амалиётининг кўрсатишича, бундай кўрқувга ҳожат йўқ. Ўлим жазосини бекор қилган хориз

давлатларининг тажрибалари шундан далолат берадики, бундай чора жиноятларнинг кўпайишига олиб келмайди.

Юқорида тилга олинган Фармон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг мутахассислари томонидан ҳам, аҳолининг турли қатламлари томонидан ҳам кенг муҳокама этиляпти. Ушбу қонун ҳужжатининг долзарб эканлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмас керак. Чунки у жамият ҳаётининг муҳим жиҳатларига дахлдор бўлиб, инсонларнинг фуқаролик позициялари шаклланишига таъсир кўрсатади.

Ҳозирда Фармон талабларини бажариш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Таклифлар ҳисобга олинаяпти. Мутахассислар бу борадаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни, ўлим жазоси бекор қилинган бошқа мамлакатларнинг қонунларини чуқур ўрганишяпти. Жиноят, Жиноят — процессуал кодекслар ва бошқа қонунларга тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритишга тайёргарлик ишлари амалга ошириляпти.

Хулоса ўрнида шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатимиз Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонлари мустақил юртимиз қонунчилигида муҳим, катта аҳамиятга эга ҳодисалар бўлди.

Алижон МАҚСУДОВ,
полковник,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган юрист.

Яқинда Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси биноси дарвозаси олдида вужуддан куч ва ғайрат ёғилиб, терлаб кетган ходимларни кўриб ажабландим.

ТАШАББУС

— Тинчликми йигитлар, — сўрадим ШТБХ ходими майор Б. Боймуродовдан.

— Э, ака хонада ўтиравериб анча оғир бўлиб қолдик. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари, подполковник Хусниддин Бегматовнинг ташаббуси билан ҳафтада бир кун саф тайёргарлиги ҳамда шахдам қадамлар билан юриш машғулотлари ўтказаяпмиз. Очиғини айтганда, бу ташаббусдан хурсандимиз. Пировардида руҳан тетик, ишга иштиёқ ошиб, ортиқча вазндан ҳам қутилиб қолдик, — деди суҳбатга қўшилиб катта лейтенант Баҳром Хидиров.

Шахсий таркибнинг навбатдаги саф кўригини кузатиб турган Х. Бегматов бу тадбирга изоҳ берди.

— Биласизми, қоғозбозлик одамни жуда кўп ҳолларда чарчатади. Одамнинг ишдан кўнглини қолдириши ҳам мумкин. Шуларни ҳисобга олиб ҳар ҳафтанинг душанба кунини маърифат дарсидан сўнг машғулотлар ўтказишни ташкиллаштирадик. Бу эртадан-кечгача хонада ўтириб ҳужжатлар билан ишловчи ходимларнинг чаққонлигини, жисмонан бақувват бўлишини таъминлаш билан бир қаторда руҳан энгиллик уйғотиши ўзини исботлади. Буюк саркардалардан бирининг рисоласини ўқиганимда кўйидаги сўзлари муҳрланиб қолган. «Йигит ухлаганда ҳушёр, уйғоқлигида сергак ва чаққон, рақибига нисбатан абжир ва жасур бўлмоғи керак». Ички ишлар тизими ходимлари айнан шундай фазилатларга эга бўлиши лозим деб ҳисоблайман. Илгари маърифат дарсларида ходимлар матбуотда босилган тайёр мавзуларни но-тиқдан эшитиб, дафтарларига кўчириб кўяқолишарди. Эндиликда ходимлар мавзу бўйича ўз тушунчаларини қайд қилишади. Исталган ходимдан мавзунинг мазмун моҳияти сўралади. Бу эса уларни мушоҳада юритишга, мавзуга яқинроқ ёндашишга ундайди. Бундан ташқари маърифат соатларига мавзудан ташқари хоризжий ва мамлакатимиз ҳаётига оид муҳим воқеа, ҳодисалар ҳақида савол-жавобларни ҳам киритаяпмиз. Республика ИИБ ва вилоят ИИБнинг буйруқ, кўрсатма, йўриқномалари билан таништириб борилмоқда. Бунда ходимнинг маънавий ва сиёсий қарашлари шаклланиб боради. Бир сўз билан айтганда, ички ишлар тизимида ислоҳотларни изчил татбиқ этиш хизмат самарадорлигини таъминлайди.

Раҳим ТўРАҚУЛОВ,
журналист.

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА

Кейинги йилларда мамлакатимизда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишга эътибор кучайиб борапти. Президентимизнинг «2007—2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Албатта, ҳар бир

киши кексайиб, куч-қувватдан қолгандан кейин ҳурмат-иззатда бўлишни хоҳлайди. Кўп йиллар халқ хизматида бўлиб, билими, маҳорати, ғайрати, қувватини сарфлаб меҳнат қилгандан кейин роҳатини кўриш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу бахтга мушарраф бўлганлар эса эъзозда бўлишяпти.

Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, нафақага чиққан фахрийлар,

ногирон ва ёлғиз кексаларнинг ҳар ойда нафақа пулларини ўз вақтида кечиктирмай олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ҳар бир фахрийга пенсия пуллари ўзи яшаб турган ҳудуд туман ИИБда тўланади. Касалманд, ногирон, иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига эса уларига олиб бориб бериш йўлга қўйилган.

Вазирлик пенсия таъминоти ҳисобида турувчи иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари,


Пахтаобод тумани вилоятда ўз ўрни, аҳамиятига эга. Ҳар бир соҳада жадаллик, ривожланиш авж олаётган ҳудудда фуқаролар тинч, осойишта ҳаёт кечирмоқда. Зеро, юртда тинчлик-осойишталик ҳукм сурар экан, халқ фаровонлиги ва юрт ободлиги ҳам муқаррардир. Осойишталик негизда эса ички ишлар ходимларининг муносиб хизматлари муҳасам.

Пахтаобод Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти билан чегарадош. Туманнинг «Маданият», «Уйғур», «Пахтакор» қишлоқ фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳоли қирғизистонликлар билан қариндошлик ришталарини боғлаган. Бу эса ҳар икки ҳудуд фуқароларининг яқдилликда истиқомат қилишларини талаб этади. Бирдамлик эса ҳар иккала мамлакат қонунларига амал қилиш натижасидагина юзага келади. Зеро, бизнинг жамиятдаги ўрнимиз, фаолиятимиз, шу билан бирга ҳаётимизни меъёрлаштирувчи, тартибга солувчи қонунларимиз инсон манфаатлари, уларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъмин этиши билан аҳамиятлидир. Пахтаобод тумани

и ички ишлар бўлими ходимлари эса ана шу қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш борасида кечаю кундуз хизмат қилмоқдалар.

Биз туманга ташриф буюрган кунимиз «Маданият» қишлоқ фуқаролар йиғинида текширув ва назорат ишлари олиб борилаётган экан. Фурсатдан фойдаланиб, ички ишлар ходимларининг фаолияти билан қизиқдик. Уларнинг самарали хизматлари туфайли ушбу ҳудуддаги мавжуд бир минг етти юз ўн еттита хонадон, уларда истиқомат қилувчи фуқаролар текширилди. Қирғизистон Республикасининг 22 нафар фуқароси республикада бўлиш қоидаларини бузганлиги туфайли чиқариб юборилди.

Туман асосан



ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

ногиронлари, уларга тенглаштирилган пенсионерлар, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари, вафот этган уруш қатнашчилари ва ногиронларининг турмуш ўртоқлари, биринчи гуруҳ кўз ногиронлари, Чернобиль АЭСи ногиронлари ва фронт ортида меҳнат қилган пенсионерлар Президентимизнинг «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй жой коммунал хизматлари ҳақини тўлашдаги имтиёзлар ўрнига компенсация пули тўдовла-

рини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони-га кўра компенсация пуллари олишмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги қарорига биноан шахсий автотранспорти бўлган иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига имтиёзли равишда автоёқилғи учун «Ўзбекнефтмаҳсулотлари» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда унинг

вилоятлардаги ташкилотларидан фойдаланмаган автоёқилғи учун етарли миқдордаги тошон пули ажратилган. Бу маблағлар ўрнатилган тартибда ички ишлар идоралари пенсионерларига тўланиб келинмоқда. Шу билан бирга пенсияга чиққан кишиларга пенсия ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштириш, пенсионерлар томонидан ёзилган ариза, шикоят ва таклифларни кўриб чиқиш борасида ҳам етарли даражада ишлар олиб бо-

ЮРТ ПОСБОНЛАРИ БИЛАН БИР КҮН

қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган. Бу эса минерал ўғитларни ноқонуний тарзда сотиш билан шуғулланувчилар учун қўл келмоқда. Ана шундай «тадбиркорлар»дан бир гуруҳи фош этилди. Масалан, «Қирғизистон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи С. Каримжоннинг хонадони кўздан кечирилганида, ертўласида 4 тонна минерал ўғит сақланаётганлиги аниқланди. «Маданият» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи И. Аслидин эса 1 тоннаю 825 кг. минерал ўғитни ноқонуний тарзда сотишга тайёрлаб қўйган экан.

Шу кун «Маданият» қишлоқ фуқаролар йиғинида ички ишлар ходимларининг тумандаги бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорлигида аҳоли билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда юқорида баён

этилган воқеа-ҳодисалар атрофлича таҳлил қилиниб, мавжуд қонунларга амал қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги алоҳида уқтирилди.

...Тун. Барча уйқуда. Далалардан эсаётган майин шаббода вуждингизга ором бахш этади. Осудалик бағрида эртанги кун умиди билан ором олаётган қишлоқ аҳли орасида фақат бир соҳа – ички ишлар ходимларигина бедор. Зеро, кун давомида амалга оширилган ишлар уларни толиқтирган бўлса-да, ҳар бир ходим хушёр ва сергак эди. Чунки ҳеч қачон хотиржамликка берилиш керак эмас. Ҳар сонияда кутилмаган ҳодисага дуч келиш мумкин. Шундай экан, хушёрликни ошириш, ҳамиша сергак бўлиш ички ишлар ходимларига хос фазилатдир. Биз шу ҳақда фикр юритаётган пайтимизда, яъни тунги соат 2.00 да навбатчилик қисмида жиринглаган телефон овози гўё осойишталикни бузиб юборгандек бўлди. Тезкор гуруҳ ходимлари бирдан сергак тортдилар. Маълум бўлишича, «Чек» назорат кузатув масканида оқ рангли, «Тико» русумли автомашина йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи ходимларининг тўхташ тўғрисидаги ишорасига амал қилмасдан, катта

тезликда Қирғизистон Республикаси томон кетганди. Подполковник Фаттоҳжон Қамбаров, катта сержантлар Дониёрбек Тошматов ва Санжарбек Қамбаровлардан иборат гуруҳ аъзолари зудлик билан ишга киришдилар.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай автомашина ва ундаги уч йигит туман ИИБга олиб келинди. Суриштирув давомида аниқланишича, Андижон шаҳрида яшовчи Х. Жавлон, А. Солиҳ ва М. Жавохирлар С. Раҳматулла бошқарувидаги автомашинани кира қилишиб, йўлга чиқишган. Автомобиль Андижон туманига етиб келганда, улар ҳайдовчини арқон билан бўғиб, чап ва ўнг кўкрак, бўйин қисмларига пичоқ тиқишган. Шундан сўнг уни Пахтаобод туманидаги «Тентаксой» бўйига ташлаб кетишган. Жиноятчилар автомашинани Қирғизистон Республикаси ҳудудига олиб ўтиб, уни пуллаш мақсадида эканликларига иқроор бўлишди.

Яна бир тонг отди. Туман ички ишлар бўлими ходимлари учун кун нима-ю, тун нима. Муҳими, эл-юрт осойишталиги. Ана

шу эзгу мақсад йўлида фаолият юритаётган майорлар Ойбек Отабоев, Машраббек Раҳимов, катта лейтенантлар Иқболжон Тожибоев ва Ўқтамжон Исмоновлар ҳамкасбларига ўрнатилган бўлмоқдалар. Бўлимда амалга оширилаётган ишларни тўғри ташкил этишда туман ИИБ бошлиғи, майор Бахтиёржон Юлбарсовнинг ўзига хос иш услуби катта аҳамият касб этмоқда.

Биз Пахтаобод туманидан қайтар эканмиз, юрт посбонларига энг эзгу тилакларни билдириб қолдик.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.
Суратда: туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Фаттоҳжон Қамбаров ходимлар билан чегара ҳудудларида қилиниши лозим бўлган масалаларни муҳокама қилмоқда.

ИНТИЗОМ – БОШ МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Шахсий таркиб билан ишлаш бўйича Махсус инспекцияси ва «Қўриқлаш» бирлашмаси алоҳида милиция бўлинмаси ҳамкорлигида йиғилиш ўтказилди. Шахсий таркиб диққатига вазирлик раҳбарияти томонидан ички ишлар идоралари ходимлари олдида қўйилаётган талаблар етказилди.

– Зиммамизга гоётада муҳим ва шарафли вазифа юклатилган, – деди республика ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Т. Қаҳаров. – Ҳар биримиз ўз бурчимизни чуқур англаган ҳолда, сидқидилдан фаолият юритишимиз лозим.

Йиғилишда шахсий таркиб иштирокида содир этилаётган айрим йўл-транспорт ва бошқа ҳодисалар кенг муҳокама қилинди. Шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ходимлар ўртасида интизом ва қонунчилиқни мустаҳкамлаш, интизом бузиш, жиноятлар содир этиш ҳолатларининг олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, қарорлар қабул қилинди.

С. САИДОВ,
майор.

Мирзоҳид МИРҲУСОВ,
ИИБ Молия-иқтисод бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник.

Бугунги кунда фуқаролар ҳаётларида юзага келган муаммолар, қийинчиликлар юзасидан милиция таянч пунктига борадиган, профилактика инспектори билан маслаҳатлашадиган бўлишди. Улар томонидан ўртага ташланган масалаларни ҳал этишда маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари ва яраштириш комиссияси аъзолари бир бинода, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишаётгани қўл келмоқда.

да жойларда спиртли ичимликка ружу қўйган ва гиёҳвандликка мубтало бўлган шахслар аниқланиб, улар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Шунга қарамай, феъл-атворида ўзгариш сезилма-

соҳиблари изза қилиниб, талайгина оилалар сақлаб қолинди.

Маълумки, оилада аёл кишининг ўзига хос ўрни бор. У уй бекаси бўлиш билан бирга фарзандлар тарбиясига кўпроқ масъул. Шу боис, хонадонда вояга етаётган ўғил-қиз қайси йўлдан кетиши кўпроқ отадан ҳам кўра онага боғлиқ. Ўтган давр ичида профилактика инспекторлари, хотин-қизлар қўмиталари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар ҳамда

диний маслаҳатчилар томонидан яшаш жойларидан узоқ муддатга иш излаб кетган аёллар қаерда, нима иш билан шуғулланиб юрганликлари аниқланиб, уларни ўз уйларига қайтариш ва яшаш жойларида иш билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Бундан ташқари, диний-экстремистик оқимларга мансуб бўлган шахсларнинг оила аъзолари ўрганиб чиқилаяпти. Муҳтож оилаларга уй-жой, газ, электр тўловлари бўйича ва фарзандларига мактаб кийимлари, ўқув дарсликлари олиб беришда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Профилактика таъсир чоралари кўрсатилганлиги натижасида 2080 нафар шахс тузалиш йўлига кирди.

2006 йилнинг 9 оyi ичида профилактика инспекторлари томонидан жамоатчилик ёрдамида очилган жиноятлар сони кўпайганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Жиноят содир этишга мойил бўлган муқаддам судланган шахсларнинг турмуш тарзи ва хулқ-атвори устидан етарли даражада назорат ўрнатилиб, яқка тартибдаги профилактик тадбирлар талаблар даражасида ташкиллаштирилаяпти. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли босқинчилик, ўзгалар мол-мулкни ўғирлаш, товламачилик, фирибгарлик, безорилик каби ҳолатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кам қайд этилди.

Таҳлиллар маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни сақлашда ҳамкорлик яхши самара бераётганини кўрсатаяпти. Демак, бу борадаги ишлар давом эттирилаверади.

У. БОЗОРОВА.

Ҳар бир оила эътиборда

Айни пайтда республикамиз бўйича 531 та милиция таянч пункти мавжуд бўлса, уларни телефон алоқаси, кўзгалмас радиостанция, автомашина, компьютер билан тўлиқ таъминлашга эътибор қаратилган. Бундай қулайликлар энг чекка қишлоқ ва овулларда ҳам яратилаётгани профилактика инспекторлари ишини енгиллаштирмоқда. Бу эса ўз навбатида турар жойларда ташкил этилаётган профилактик тадбирларнинг қўлами кенгайиб боришида муҳим аҳамиятга эга.

Республика ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармасидан олинган маълумотга қараганда, жорий йилнинг 9 оyi мобайнида 3120дан ортиқ маҳаллада умуман жиноят содир этилмаган. Бундай натижага қандай эришилмоқда, деган саволнинг туғилиши табиий.

Таъкидлаш жоизки, профилактика инспекторлари биринчи навбатда оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор беришяпти. Ўтган давр ичи-

ганлари мажбурий даволанишга жўнатилди. Қишлоқ ва маҳаллалардаги яраштириш комиссиялари томонидан 24715 та оила муҳокама қилинди. Мазкур йиғилишларда яраштириш комиссияси аъзоларидан ташқари профилактика инспекторлари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, маҳалла оқсоқоллари иштирок этиб, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашишди. Биргаликда кўрилган чора-тадбирлар натижасида 17500 дан ортиқ оилалардаги нотинчликларга барҳам берилди, низо келиб чиққан хонадонларнинг

бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, турли диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишларидан сақлашга қаратилган тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Уларни иш билан таъминлаш, турмуш даражасини яхшилаш мақсадида учрашувлар ташкил этилиб, қандолатчилик, тикувчилик ва бошқа ишлаб чиқариш цехлари очилаяпти. Шунингдек,

Тахтапул посбонлари

— Болалигимда ака-укаларим билан ўйнаётганимда кўпинча йўл назоратчиси бўлардим. Улар митти машиначаларни бошқаришар, мен эса тартибга солиб турардим. Албатта, бу болаларга хос ўйин эди. Аммо ўша пайтларда ички ишлар соҳасига қизиқиш уйғонган бўлса ажаб эмас, — дейди майор Шухрат Мамажонов.

Йиллар ўтиши билан бу ҳавас мақсадга айланди. Ўрта мактабни битирган Шухрат ака ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)га ўқишга кирди. Қўлига олий маълумот тўғрисидаги дипломни олгач, орзу сари интилди. Жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олишга ҳиссасини қўшиш мақсадида 1995 йили С. Раҳимов тумани ИИБга ишга кирди. У Тахтапул маҳалласидаги 202-милиция таянч пунктига профилактика инспектори этиб тайинланди. Вақт ўтиши билан профилактика катта инспектори лавозимида ишлай бошлади.

Бугунги кунда маҳаллада Шухрат аканинг обрўи баланд. Негаки самимий, ўз вазифасини сидқидилдан бажарувчи, фидойи бу ходимни барча ўз акаси ёки укасидек қарши олади.

Маҳалла оқсоқоли Санжар Маҳмадалиев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Наима Ҳакимова, хотин-қизлар кенгаши раиси Фароғат Мирзаев,

ва, посбонлар сардори Дилшод Ўрозов ва профилактика инспектори ҳамжиҳатликда иш олиб боришаётгани ижобий натижа бермоқда. Худудда жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 50 фоиз камайгани ана шу ҳамкорликнинг мевасидир.

— Фақат майда ўғирлик содир бўлиб, кимдир электр ҳисоблагичларни ўмариб кетди. Бунинг ҳам чорасини топдик. Ўғри ушланди. Шундай бўлса-да подъездлардаги ҳар бир ҳисоблагичга кулф ўрнатилди, — дейди профилактика катта инспектори.

Ушбу маҳалла худудида жойлашган 146-мактаб жамоаси билан яқин алоқа ўрнатилгани қўл келмоқда. Ўқувчилар билан «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «Огоҳлик — давр талаби» «ОИТСдан сақланинг» сингари мавзуларда суҳбатлар ўтказилаётгани туфайли улар орасида бирорта ҳам тарбияси огир ёки про-

филактик рўйхатда турадиганлари йўқ.

Енгил саноат коллежи директори Малоҳат Абдуллаева эса илм даргоҳида таҳсил олаётган маҳалла қизлари ахлоқ-одобли бўлиб, оилавий ҳаётга тайёр бўлишларига катта аҳамият бераяпти. Унинг таклифи билан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Наима Ҳакимова ҳамда хотин-қизлар кенгаши раиси Фароғат Мирзаевалар илм масканига ташриф буюриб, тарбиявий ишларга кўмаклашишяпти.

Ана шулар ва бошқа ишларга майор Шухрат Мамажонов бош-қош. Гиёҳвандлик бўйича рўйхатда турган 3 нафар шахс ҳам унинг эътиборидан четда қолмаяпти. Улар билан мунтазам профилактик суҳбатлар олиб борилаётгани, ҳар ойда наркология диспансеридан ўтказилиши ҳаётларида ўзгариш бўлишига олиб келаяпти.

— Йилнинг тўққиз оyi давомида бирорта ҳам оилавий ажрашишлар бўлмади. Фақат битта нотинч оила қайд этилди. Эри ҳар куни ичиб келиб, жанжал қилиши, ишламаслигидан безиган аёл кўч-кўронини машинага ортиб турган пайтда хабар келди, — дейди Н. Ҳакимова. — Профилактика катта инспектори, маҳалла оқсоқоли ва хотин-қизлар кенгаши раиси билан ўша хонадонга етиб бордик. Эр-хотинни ўртага олиб, маслаҳатлар бердик. Улар муроса-

га келгандек бўлишди. Шундан сўнг ичкиликка ружу қўйган оила соҳибини ишга жойладик. Ҳозирда эр-хотин то-тув яшашмоқда.

Профилактика катта инспектори кексаларни йўқлаш, жазони ижро этиш муассасасидан қайтганларни иш билан таъминлашга ҳам эътибор бераяпти. Худуддаги иккита спорт майдончаси ва сузиш ҳавзаси эса болаларнинг бўш вақти мазмунли ўтишида асқотмоқда.

— Бундан уч йил бурун Шухрат Мевазор маҳалласига профилактика инспектори бўлиб кетганди. Ўрни жуда билинди. Шундан кейин биз унинг яна ўзимизга қайтишини сўрадик, — деди кекса отахон Воҳид Ашурхўжаев.

Ўз-ўзидан маълумки, маҳаллада бекорчи, ишсиз ва безорилар бўлмаса муҳит соеломлашади. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлод учун жуда муҳимдир. Тахтапулдаги тинчлик, осойишталик ва хотиржамлик айнан шу мезонни таъминламоқда.

Умида БОЛЛИЕВА.



С. Раҳимов туман Тахтапул маҳалласи профилактика катта инспектори, майор Ш. Мамажонов маҳалла фаоли билан.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ

Шу йилнинг 25 август кунин Президентимиз «Миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорга имзо чекди.

Аввало, биз мазкур Қарорнинг долзарблиги яъни халқимиз, мамлакатимиз ва миллатимиз ҳаёти учун аҳамияти жуда зарурлигини тушуниб олсак.

Биз яшаётган янги аср ахборот асри ҳисобланади. Ахборот эса бугунги куннинг энг қудратли қуроли бўлиб қолди. Ҳарбий воситалар таъсири етиб бормайдиган жойларга ҳам ҳар хил маъноларни жамлаган ахборот замонавий шаклда шу қадар зудлик билан етиб бормоқдаки, баъзан унинг хуружидан фикрлар, қарашлар ва мақсадларда ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу эса ўз навбатида айрим халқларни асл мақсадида чалғитиб, баъзиларини боши берк кўчага етакламоқда.

Чунки ахборот кураши, энг аввало, фикр, тафаккур, ақл кураши ҳисобланади. Бу курашда рақиб зарбаси учун қулай бўлган жойни очиқ қолдириш зинҳор ба зинҳор мумкин эмас.

Шундай ҳолат юз бергудек бўлса, орзу интилишларга мутлақо зид қарашлар, бегона ва ҳатто айтиш мумкин, бузғунчи ғоялар ҳаётимизга сездирмай кириб олиши мумкин. Бундай ҳолни биз ўтган асрнинг 90 йиллари охирида бошимиздан кечирдик. Минглаб ёшларимиз «Ваҳҳобий» ва «Хизб-ут-Тахрир» диний оқими ғояларига ўралашиб қолиб, ўзимизга қарши курашмоқчи бўлишди. Нагизда уларни бу йўлдан қайтариш учун қанчалик заҳматлар чекдик. Ҳатто беғуноғу фуқароларимизнинг қонлари тўкилди. Мана, ёт ғоя дегани нима.

Шундай экан бугунги кундаги ахборотлар ҳам дин ниқоби остига яширинмаган бўлсада, уларнинг қобиғига яширинган мафкура, мақсад ва мудоа жуда

Ахборот кураши энг аввало, фикр, тафаккур, ақл кураши ҳисобланади. Бу курашда рақиб зарбаси учун қулай бўлган жойни очиқ қолдириш зинҳор ба зинҳор мумкин эмас.

балки бутун дунё тараққиётига ошқора таъсир ўтказмоқда. Ахборот кураши ҳозирги замонда инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш, уларни муайян мақсадлар йўлида хизмат қилдириш учун узлуксиз давом этаётган энг катта хавф ҳисобланади. Бунга қарши туриш инсоният учун жиддий хатарга айланди.

Очигини айтиш керак, бугунги кунда бир нарса ойдайд равшан бўлиб қолди. Яъни турли табиий захираларга бой, геополитик жиҳатдан қулай ҳудудда жойлашган юртимизга кўз олайтирадиган, бизга ўз ҳукмини ўтказишни истайдиган ёвуз кучлар мавжуд. Улар ўз мақсадларини амалга ошириш учун ҳар қандай маккорликдан тап тормаяптилар.

Энг ёмони улар энг ёвуз курул-миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган, эртага ўрнимизни эгаллайдиган ёш авлодни қалби ва тафаккурини заҳарлайдиган бузғунчи мафкуралардан фойдаланишмоқда. Ифволар, миш-мишлар тарқатиб, барқарорлигимизга путур етказиш учун ҳар қандай нопок усул ва воситаларни қўлдан кайтма-яптилар. Андижон воқеалари эса бу фикримизга яққол мисол бўлади, десак янглишмаймиз.

Биргина бизда эмас, балки биздан бошқа мустақил мамлакатларда ҳам демократлаштириш жараёнини жадаллаштириш зарурлиги ҳақида аюҳаннос солаётганларнинг реал шарт-шароитдан йироқ мулоҳазалари ортида геополитик, геостратегик ва иқтисодий манфаатлар беркингани сир бўлмай қолди. Мустақиллик ва суверенитетни писанд қилмай давлатларнинг ички ишларига аралашётган «демократия ижодкорлари»нинг аслида ўз турмуш тарзи ва ғояларини бошқаларга тиқиштиришга уринаётганликлари яққол сезилмоқда.

Қайсидир миллатни ўзига қилишни истаган кучлар аввало, уни ўзлугидан, тарихидан маданиятидан жудо қилишга уриниши тарихдан маълум. Зарарли ахборот таҳдидига, таъсирларига қарши ишончли тўсиқ қўйилмаса, ҳар қандай миллат ўзлугини, қадрият ва анъаналарини йўқотиши мумкин. Шунинг учун бизнинг халқимизга ҳам қарши қаратилган бу курашга ўз соҳасида пихини ёрган, устомонлик билан иш олиб борувчи минг-минглаб мутахассислар жалб этилган. Пухта тайёрланган тарғибот ва ташвиқот механизми тинимсиз ишлаб турибди. Жуда катта моддий, молиявий ва ахборот ресурсларидан фойдаланилмоқда. Ана шундай мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш учун Президентимиз томонидан имзоланган мазкур қарор, энг аввало, бизни, халқимизни ташқи таъсирдан сақлашга қаратилган бўлиб, бу борада нима қилишимиз зарурлиги тўғри-

сида ҳам аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Хўш, қарорда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш учун бу тизимга қандай жиддий янгиликлар киритилди?

Б и р и н ч и с и — Республика Маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг қўли билан тасдиқланган. Ун бир кишидан иборат кенгаш бошқаруви ташкил этилди.

И к к и н ч и с и — Қорақал-

зига айлантирилди, унга 9 та штат бирлиги ажратилди.

Шу тариқа республика Маънавият ва маърифат кенгаши амалда икки қанотга эга бўлди. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази илмий-назарий, услубий-методик тавсиялар, дастурлар, ишланмалар, рисодалар, қўлланмалар ва бошқа нашрий китоблар ишлаб чиқади, миллий ғоя ва мафкура тарғиботи бўйича мониторинг олиб боради. Республика Маънавият тарғибот маркази бево-

пекторлари маҳалладаги маънавий-маърифий ва диний ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, маҳалла оқсоқоллари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришлари зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида ота-онани боласи учун қандай дафтар ёки бошқа ўқув воситалари сотиб олишини бутунлай чеклашнинг иложи йўқ. Лекин тadbirkorлар ишлаб чиқарётган ёки яқин ва узоқ хориждан олиб келинаётган бу таълим-тарбия воситаларида беҳаё ёки умуман, мактаб болалари ёшига ахлоқий жиҳатдан мос келмайдиган, миллий манфаатларимизга зид ғоялар ташийдиган суратлар босилаётганининг олдини олиш учун айнан қандай маънавий-маърифий чораларни қўйишимиз керак?

Албатта, бу масалалар ҲООбни ахлоқ масалалари билан шуғулланувчи ходимларига алоҳида масъулият ва вазифалар юклайди.

Демократия шароитида эркин матбуот шаклланиши — ўта табиий жараён. Хўш, шу хусусий нашрлар ўз иқтисодий мақсадларини кўлаб, билибми-билмайми, миллий ғоямиз ва мафкурамизга зид, маънавий-тимизга болта урадиган тушунча, ғоя ва талқинлар, сурат ва бошқа иллюстрацияларни чоп этмаётими? Қандай қилиб булар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мумкин?

Телевидение — ҳозирги замонда энг оммабоп ахборот воситаси. Китоб, газета, журнал ўқишга фурсати, интернетдан фойдаланишга имкон ва укуви йўқ кишилар ҳам телевизор кўради. Лекин ойнайи жаҳонда намоийш этилаётган чет эл фильмларининг ҳаммаси ҳам бизнинг мақсад ва мудоаларимизга мос тушадими? Истар-истамас ўзимиз ёшларимиз тарбиясининг бузилишига ҳисса қўшиб қолмаяпмизми?


Халқ таълими, ўрта махсус таълим ва олий таълим тизимларида миллий ғоя ва мафкура, маънавият асослари қандай сингдириляпти? Ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмаларда эътиборсизлик, билимсизлик оқибатида, фарзандларимиз онг-тафаккури ва қалбига ўзимизга қарши ғоя сингдириляётгани йўқми?

Адабиётимиз ва санъатимизда қандай ғоявий-мафкуравий, маънавий жараёнлар кечмоқда? Муаллифларимиз қайси ғояларни илгари сурапти? Уларни шу нуқтаи назардан ким таҳлил этади?..

Бундай саволларга жавоб излаш бевосита Халқ, Ватан ва Давлат бутуни ва келажаги учун сув ва ҳавода зарур. Халқ, Ватан ва Давлатни ҳар кун ҳар лаҳзада кўриқлаш, асраш, муҳофаза қилиш шарт. Бу эса, энг аввало, одамлар, хусусан, ички ишлар идоралари ходимлари, онг-тафаккури, маънавияти ва қалбига Ўзбекистон, унинг раънақи, тинчлиги, фаровонлиги учун яшаш туйғусини мустақкам ўрнатиш орқали кечади.

Ш. РҶЗИЕВ,
Республика Маънавият тарғиботи маркази билан ҳамкорликда тайёрлади.

Эслатма: Ушбу мавзудан сўнг ўтган ҳафтада жаҳонда ва мамлакатимизда рўй берган муҳим воқеа ва ҳодисалар шахсий таркибга етказилиши амалга оширилиши керак.



Телевидение — ҳозирги замонда энг оммабоп ахборот воситаси. Китоб, газета, журнал ўқишга фурсати, интернетдан фойдаланишга имкон ва укуви йўқ кишилар ҳам телевизор кўради. Лекин ойнайи жаҳонда намоийш этилаётган чет эл фильмларининг ҳаммаси ҳам бизнинг мақсад ва мудоаларимизга мос тушадими? Истар-истамас ўзимиз ёшларимиз тарбиясининг бузилишига ҳисса қўшиб қолмаяпмизми?

поғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси штати жорий этилди. Республикаимизнинг барча минтақа ва ҳудудларида биринчи раҳбар минтақавий-ҳудудий Маънавият ва маърифат кенгашининг раиси ҳисобланади. Ёрдамчилар амалда ана шу минтақавий Маънавият ва маърифат кенгаши раисининг ўринбосари бўлади ва жойлардаги маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳамда ўзаро мувофиқлаштиришда у Жўқорғи Кенгес раиси ва ҳокимларга бевосита ёрдам беради.

Қарорда кўзда тутилган у ч и н ч и янгилик шуки, республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ташкилий турухи — ижроия идораси ҳисобланмиш республика «Маънавият ва маърифат» маркази республика Маънавият тарғибот марказига айлантирилди. Унинг таркибий тузилишида ҳам муайян ўзгаришлар қ и л и н д и . Қўшимча равишда янги тарғиботчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва малакасини ошириш бўлими очилди. Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тарғибот бўлими Ижтимоий-сиёсий тарғибот бўлимига, Ижтимоий-иқтисодий тарғибот бўлими ҳуқуқий тарғибот бўлимига айлантирилди.

Т у р т и н ч и янгилик шуки, республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузурда шу пайтгача фақат ютиб олган транслари асосида фаолият олиб борган Миллий мафкура илмий тарғибот маркази давлат бюджетидан молиялаштирилмаган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказига айлантирилди.

Миллий мафкура илмий тарғибот маркази давлат бюджетидан молиялаштирилмаган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказига айлантирилди, унга 9 та штат бирлиги ажратилди.

сита амалий тарғибот ишлари билан шуғулланади. Мамлакатда маънавий-маърифий тарғибот тизимини такомиллаштиради, маънавий-маърифий ишларни уюштиради, мувофиқлаштиради, жойларда, ташкилот ва муассасаларда бу борадаги аҳволни ўрганади, уларга ёрдам кўрсатади, шу соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш тизимини йўлга қўяди.

Юқорида айтганимиздек, ҳозир ахборот асрида яшашимиз, ҳар тарафдан ахборот кириб келяпти. Бу табиий жараён. Лекин дўконларимизда сотилаётган хориждан келтирилган нашрий маҳсулотлар, аудио-видео кассеталар, турли дисклар, кинолар, китобларнинг ғояси, мафкураси, мақсади нимадан иборат, улар миллий манфаатларимиз, ғоя ва мақсадларимизга зид эмасми — бунини ким назорат қилади, ким ўрганади, ким бундай хавфларнинг олдини олади?

Биз демократик жамяят қуряпмиз. Виждон эркинлигини таъминлаш — демократиянинг олий таълимидан бири. Бироқ тушуниб етдикки, ҳақиқий дин — бошқа, дин ниқоби остидаги ёт мафкура — бошқа нарса. Дин баҳонасида айнан қандай ғаразли, ёт ғоялар кириб келяпти — ўз вақтида аниқлаб бораёпмизми? Мулалар, отиноийлар маърузалари кассеталар тарзида тарқатилляпти. Марҳамат. Бироқ айтиляётган, даъват этилаётган ғоялар замирида ёт мақсад яширин эмасми? Бунинг таҳлил қилиб бориш, диний ва дунёвий тарғиботни ўзаро уйғунлаштириш зарурати кун сайин ортиб бораётир.

Шунинг учун ички ишлар идоралари ходимлари, айниқса, профилактика инс-



ҚИШКИ МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Ўлкамизда олтин куз кезмоқда. Ҳадемай хазонрезги бошланиб, ортидан қаҳратон қиш кириб келади. Аёзли кунларда бино ва иншоотлар меъёрида иситилмаса, ҳар хил электр ҳамда қўлбола асбоб-ускуналардан фойдаланувчилар кўпайгандан кўпаяди. Шунинг учун ўз вақтида тадорик кўриш, қишни беталафот, турли кўнгилсизликларсиз ўтказишимизда муҳим омил ҳисобланади. Ҳўш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёни қандай кечмоқда? Бу борада қандай чора-тадбирлар амалга ошириляпти? Шу хусусда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ бўлим бошлиғи, подполковник Равшан Жўраев куйидагиларни гапириб берди:

соҳа ходимлари жойларда газ хизмати идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа дахлдор ташкилотлар билан ҳамкорликда уй-жойлар, бино ва иншоотларнинг ёнғинга қарши ҳолатини йил бошидан текшира бошлашди. Айни кунгача республика

да суҳбатлар ўтказилиб, йўриқномалар берилди.

Корхона, муассаса, ташкилот ва хўжаликларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги текширилганда, 1288 та хавфсизлик автоматикаларининг носозлиги, газдан резина ичаклар орқали, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилаётган ҳолатлар маълум бўлди. Текширувлар чоғида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузётган, соҳа ходимларининг ёзма кўрсатмаларини бажармаётган 56 мингдан зиёд мутасадди шахс ва

фуқарога 193 млн сўмдан ортиқ миқдорда жарима солинди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаётган корхона, бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинча тўхтатилди, электр ускуна, мослама ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланди. Республикада ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги мавжуд муаммо, камчилик ва нуқсонлар юзасидан маҳаллий ҳокимликлар ҳамда юқори ташкилотларга ахборотнома, маълумотнома, тақдимномалар киритилди.

Шунингдек, соҳа ходимлари томонидан асосий эътибор Халқ таълими, Олий ва ўртамахсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликларига қарашли бўлган мактаб, болалар боғчалари, ўқув юртлари ҳамда даволаш муассасаларидаги иситиш мосламалари

ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бериши, иссиқлик тўғри сарфланиши, хоналарнинг эшик-деразалари созликка қаратилаяпти. Текширувларда носоз дудбуронлар, газ тармоғига резина ичаклар билан уланиш, электр энергиясидан ўғринча фойдаланиш ҳоллари аниқланди. Жумладан, Андижон вилояти Избоскан тумани 32-мактабдаги иситиш қозонхонаси бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланмаган, иситиш қозонларининг мўрконлари тозаланмаган ва мутахассислар томонидан текширилмаган. Бундан ташқари электр сим, кабеллар ташқи ҳимоя қобиқларининг чидамлилиги даражаси синовдан ўтказилмаган, ёнғинга қарши ҳовуз таъмирланмаган ҳамда сув билан тўлдирилмаган. Фориш туманидаги “Камалак” болалар боғчаси, Сирдарё туманидаги Мурувват уйида ҳам ана шундай камчиликлар борлиги аниқланди.

Хулоса шуки, бу кунларни ганимат билиб, мавсумга жиддий эътиборда бўлишимиз лозим. Зеро, ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар хавфсизлигимиз гаровидир.

Қобилжон ШОКИРОВ
ёзиб олди.



Тошкент шаҳар ИИББ ЁХББ 18-ХЎХК ёнғин ўчирувчиси, кичик сержант Б. Ҳожиев

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика иқтисодиёти тармоқларини 2006-2007 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори талаблари ижросини таъминлаш борасида Бош бошқармамиз томонидан амалга оширилиши лозим бўлган асосий тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, жойларга бажариш учун юборилди. Тасдиқланган тадбирлар ва назорат режаси талаблари долзарблигини инобатга олган

қарши ҳолати ўрганиб чиқилди. Турар-жойларни текшириш жараёнида асосий эътибор бино ва иншоотларга ўтказилган электр сим ва кабелларнинг ҳолати, газ жиҳозлари созлиги, манбаага ўрнатилган тартибда уланган, иситиш печлари ва мўрконларнинг ёнғин хавфсизлиги талаблари даражасида бўлишига қаратилди. Шу билан бир қаторда маҳалла, корхона, муассаса ва ташкилотларда аҳоли ҳамда ишчи-хизматчилар иштирокида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бораси-



ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Олов тилсиз ёв эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ёнғин натижасида нафақат бойликлар, уй-рўзғор буюмлари, балки азиз фарзандларимиз ҳам жабрланиб қолиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам ёнғин келиб чиқишига йўл қўймаслик зарур. Ёниб турган оловга бепарволик, газ ва электр жиҳозларидаги носозликлар ҳам ёнғин чиқишига сабаб бўлмоқда. Газ ва электр асбоб-ускуналарини ўчириб юришни ўзига эп кўрмайдиган, қўлбола иситгичлардан фойдаланувчилар ҳам учраб турибди. Огоҳлантиришларга қарамай, ҳамон ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик ҳолатлари қайд этилаётгани кишини ташвишга солади. Масалан, Андижон шаҳрида яшовчи С. Қундузхоннинг хонадонидagi ёнғинга ўчирилмай ташланган сигарет қолдиғи

сабаб бўлди. Оқибатда уйи, рўзғор буюмлари ёниб, анчагина зарар кўрди. Бошқа бир ҳолатда қўшнининг деворига тақаб қурилган тандирда нон ёпиш мақсадида ўт қаланганда, қизиб ёнғин чиққан мазкур ҳодиса А. Хосиятхон тандирни қуришда оралиқ масофа қўймагани, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмагани оқибатида содир бўлган. Бундан қўшнига анчагина зарар етди.


Инсон ўз ҳаёти, хавфсизлигининг қадрига етмаса, биров четдан келиб таъминламайди. Мана шу оддий ҳақиқатни унутмаслик лозим. Барча хонадон ва иш жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ф. НАЗИРОВ,
катта сержант.



Суратларда: ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари фаолиятидан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.



Пахтакор меҳнатини қадрлайлик!

Бир ўйлаб кўринг-а, қора чигитдан оппоқ чаноқлар яратгунча бободехқон ерга неча бор эгилади, куч-қуввати, қалб кўрини бағишлайди. Унинг эртанги кун, фаровонлик ҳақидаги орзу-ўйлари меҳнати сингган, пешона тери томган ана шу далаларга боғланган. Ахир, ҳосил мўл, хирмони сарбаланд бўлса, хонадондан тўкинлик, қут-барака аримайди-да.

Навоийлик пахтакорлар бу йил 110 минг тонналик пахта хирмонини бунёд этишга азму қарор қилишган. Аҳдида усту-

вор деҳқонларимиз қуёшли куннинг ҳар дақиқасини ганимат билиб, йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб бо-

ришмоқда. Зафар марраси яқин. Бугун барча куч ва воситалар машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни тез ва сифатли йиғиштириб олишга қаратилган. Бироқ ўз манфаатини ўйлаб, ўзгалар меҳнати-ни беқадр қилаётган, аниқроқ айтганда, мол туёқлари остида пахтани пайҳон бўлишига йўл қўяётган шахслар ҳам йўқ эмас.

Навбахор туманидаги «Истиқлол» фермерлар уюшмаси Юқори Бешрабод маҳалласида яшовчи Д. Бердимуродовнинг 7 бош қорамоли «Бахтиёр» фермер хўжалигига қарашли 20 сотих ердаги пахтазорларни пайҳон қилган.

Оқибатда хўжаликка 180 минг сўм миқдорида моддий зарар етказилган. Бепарволик мол эгасига қимматга тушди. «Бешрабод» қишлоқ фуқаролар йиғини қарорига асосан унинг бир бош қорамоли сўйилиб, ҳашарчи теримчиларга иссиқ овқат учун топширилди. Ички ишлар ходимлари томонидан Хатирчи туманидаги Жалойир қишлоғида яшовчи Ш. Йўлдошевга тегишли бўлган 5 бош кўй «Хушвақт-Салоҳ» фермер хўжалигининг 18 сотих ердаги пахта ҳосилини пайҳон қилганлиги аниқланди. Бу ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, хўжаликка етка-

зилган моддий зарар кўй эгасидан ундирилди.

— Ходимларимиз пахта йиғим-терими мавсумини беталафот ўтказиш, нобудгарчиликнинг олдини олиш мақсадида тинимсиз меҳнат қилишмоқда, — дейди Навбахор тумани ИИБ бошлиғи, майор Х. Раҳматуллаев. — Бу борада туман ҳокимлиги, ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳалла фаоллари ва посбонлари яқиндан ёрдам беришяпти. Кузатув назорат масканлари туну кун фаолият кўрсатмоқда. Мақсадимиз халқ меҳнати эвазига бунёд этилган бойлик нобуд бўлмасин.

Ҳа, бугунги саъй-ҳаракат, шижоатли меҳнат хирмонга барака келтиради. Ҳосил тақдирини қўлимизда. Қуёшли кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, «оқ олтин»ни сўнгги мисқолигача йиғиштириб олайлик. Кун сайин кўкка бўй чўзаётган хирмонимиз баракали бўлсин!

Нигора РАҲИМОВА,
Навоий вилояти.

МИСҚОЛИ ҲАМ ЗАВОЛ ТОПМАСИН!

Айни кунларда етиштирилган ҳосилни қисқа фурсатда йиғиб-териб олишда ҳашарчи-ю теримчилар билан бир қаторда Наманган вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ҳам пахтакорларга камарбаста бўлмоқдалар. Улар жойларда ташмачилик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, талон-тороғлик ва нобудгарчиликка йўл қўймасликка ҳаракат қилишяпти. Чегара ҳудудларда иш кучайтирилган тартибда ташкил этилиб, бир қатор профилактик тадбирлар йўлга қўйилган.

Бироқ етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишга барча сафарбар этилган бир паллада ўз нафси йўлида эл-юрт, халқимиз ризқига кўз олайтираётган шахслар учраётгани ачинарлидир. Яқинда Учқўрғон тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ана шундай қонунбузарлардан бири қўлга олинди. Маълум бўлишича, Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Б. «Янгиобод» ширкат хўжалиги 8-бригада пахта даласида етиштирилган 1050 кг ҳосилни ўғринча уйига яшириб қўйган экан. Ҳали ҳаётнинг ачиқ-чучугини татиб улгурмаган, турмуш остонасини ҳатлаб ўтмаган Б.га нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Заҳри қотил етиштириш ёки сотиш орқали мўмай даромад топишга уринаётган шахслар ҳар қанча уринишмасин кўзлаган мақсадларига эриша олмайдилар.

Шерали АНВАРОВ,
капитан.




ЁНАР ЎТГА СОЛАДУР...

Маҳаллада гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича тадбир ўтказилаётганда сочларига оқ оралаган, ўрта ёшлардаги киши сўз олиб, шундай деди:

— Гиёҳвандлик қандай бало эканлигини ўғлим шу йўлга кирганида билдим. Ана шу иллат туфайли у оиласидан ажради, рўзғори хароб бўлди. Оғуни аср вабоси, умр бўлса-да, ўзига тегишли хулоса чиқармай, яна гиёҳфурушликка қўл урди. Шундай нопок йўлни танлаган Р. Азамат ҳам икки марта судланган. Ички ишлар ходимлари

бўлса-да, ўзига тегишли хулоса чиқармай, яна гиёҳфурушликка қўл урди. Шундай нопок йўлни танлаган Р. Азамат ҳам икки марта судланган. Ички ишлар ходимлари



ақлидан жудо бўлган, заҳри қотил бутунлай эҳушидан айирган.

Фуқаронинг куйинганича бор. Бугунги кунда гиёҳвандлик ботқоғига ботган инсонлар ҳар қандай тубанликдан қайтмайдилар. Уларни оғу билан таъминлаётган кимсалар эса афсуски ҳамон учраб турибди. 1970 йилда туғилган Қ. Ислом бир неча марта судланган

томонидан ўтказилган тадбир пайтида 1967 йилда туғилган Б. Адилбек оғу сотаётганда қўлга олинди.

Нафе балосига учраб, ёнар ўтга тушган нобакорларнинг ҳаёти, турмуши нақадар аянчли эканлигини сўз билан таърифлаш мушкул. Уларнинг кирдикорлари ҳақиқий қиёфаларини намоен қилади. Р. Азаматнинг мана бу сўзларига эътибор қилинг:

— Героинни Адилбекдан сотиб олганим йўқ. У билан шахсий адоватим бўлгани учун ундан олдим, деб кўрсатма бердим.

Гиёҳвандлик домига тушган, шахсий адовати бўлгани учун бир инсонга туҳмат қилган кишига дўст ҳам, қариндош-уруғлари ҳам бир пул. Керак жойда ҳаммасини сотиб юбораверади. Унга виждон, инсоф деган тушунчалар мутлақо ёт.

Дунёда неки жонзот бўлса, зурриёди учун жон фидо қилади. Аммо гиёҳвандларда бундай ҳис-туйғу йўқ, ҳисоби. Қ. Ислом ҳамда Б. Адилбекларнинг уч нафар, Р. Азаматнинг бир

нафар фарзанди бор. Ахир фарзанд ота-онаси билан фахрланиб, уларнинг яхши фазилатларига тақлид қилиб улғаяди. Бинобарин, ҳеч ким отам ўғри, хиёнаткор ёки гиёҳванд деб гурурланмайди-ку. Гиёҳвандликнинг даҳшатли касофатларидан бири ҳам шу эмасми?

Улуғбек МАТЭҚУБОВ,
майор.

«АДОЛАТ ВА ХАЛОЛЛИК ДОИМО ҒАЛАБА ҚИЛАДИ»



Ўзбек кино санъати ривожига ҳисса қўшаётганлар орасида режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг алоҳида ўрни бор. Унинг «Абдуллажон», «Кичкина табиб», «Осмондаги болалар-1», «Осмондаги болалар-2» «Ватан» ва бошқа фильмлари қайта-қайта кўришга арзигулик бадиий картиналар қаторидан жой олган. Таниқли режиссёр, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Зулфиқор Мусоқов саҳифамизнинг бугунги меҳмони.

— Оиламизда кино санъатига алоқадор кишилар бўлмаган. Отамеммор, онам болалар боғчасида тарбиячи эдилар. Мактабда ўқиб юрган давримдаёқ кино тўғарагига қатнашардим. Болаларга хос ҳавас кейин орзуга айланди. Мактабни битириб, Тошкент театр ва рассомчилик институтига ўқишга кирдим. Биринчи курсда ўқиб юрганымда режиссёр Қамара Камоловнинг «Ўзганинг бахти» фильмида кичик роль ижро этиб суратга тушганман. Шундан кейин менда кинога бўлган қизиқиш янада ортди. Гарчи драматургия режиссёри мутахассислиги бўйича диплом олган бўлсамда, кино санъатига иштиёқим тобора кучайиб борарди. Аввалига Ўзбекистон телевидениесида ишлаб юрдим, кейин Москвадаги давлат кино-институтида режиссёрлик ва сценарийнавислик бўйича иккйиллик курсда ўқиб келдим.

Кинорежиссёр сифатида даставвал «Аскарлар эртаги» фильми

суратга олинган. Кейин, «Қалдирғоч», «Абдуллажон», «Бомба» фильмлари яратилди. «Кичкина табиб», «Осмондаги болалар-1», «Осмондаги болалар-2» экранга чиқарилди. ЮНЕСКО буюртмаси бўйича 18 қисмли «Аёл зоти» фильмини суратга олдик.

— Охириги фильмларингиздан «Ватан» анча шуҳрат қозонди. Лекин «Қасос» деб номлангани тўғри бўлармикин деган фикрдаман.

— Тўғри, фильм қаҳрамони Қурбон бошига тушган мудҳишликлар учун бир умр қасос олиш ниятида бўлади. Америкадан Ўзбекистонга ҳам асосан қасос ўти билан келади. Чунки бир аблаҳнинг касрига ўзи бир умр ватандан жудо бўлади, севган қизи ҳам саргардонликда, юртдан узоқда азобу уқубатда вафот этади. Аммо биз бу фильм орқали тарихда юртдошларимиз бошига тушган мусибатлардан бирини, мустабид тузумнинг мудҳишликларидан бирини кўрсатиш-

га ҳаракат қилганмиз. Айрим ватанфуруш, ўз манфаати учун ҳамшаҳри, ҳамқишлоғи, қолаверса, яқин кишини сотиб уни юртдан узоққа сургун қилинишига, Ватанидан айрилишига, бир умр она юртини соғиниб ўтиб, бир сиқим тупроғига зор бўлишга мажбур қилинганини тасвирлашга ҳаракат қилганмиз. Турли сабаблар билан она тупроғидан айрилиб, унинг гардини суртишга зор-интизор кишилар ҳозир ҳам бор-ку. Ватаннинг бир сиқим тупроғи нақадар азиз. Бун юртдан айри тушганлар чуқур ҳис этишади. Уларнинг тақдири Ватан меҳрини ҳис этолмайдиганларга сабоқ бўлиши керак.

Бу фильм ҳақида айрим танқидий фикрларни ҳам эшитдим. Албатта, тўғри қабул қилдим. Томоша тугамасдан аввал, залдан чиқиб кетганлар ҳам бўлди. Улар асосан ёшлар эди. Интернет орқали ғарбнинг жангари, беҳаё, олдиқочди фильмларини кўравериш, маънавияти

пасайиб кетган баъзи ёшларимиз учун мен танлаган мавзу ёқмаган бўлиши мумкин. Бироқ катта ёшдаги, Ватан, она-юрт тушунчаларини қалбдан ҳис этадиганлар яхши фикрлар билдиришяпти.

— Зулфиқор ака, ҳозирги кунда киностудиялар сони кўпайиб кетган. Бироқ халқ тили билан айтганда бир марта кўришга арзийдиган фильмлар ҳам ортиб борапти.

— Студиялар кўпайиб бораётгани тўғри. Бу бир томондан рақобатга

яхши. Бироқ тузукроқ кўшиқ айтиб ихломандларини тополмай, ўзини кинода кўрсатмоқчи бўлганлар ҳам учрайди. Ундайлар санъатга доғ бўлиб тушади десак арзийди. Яқинда «Суиқасд» деб номланган фильмни суратга олиб тугатдик. Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева она ролда чиқади. Бу таниқли хонанданинг ижроси кўнгилдагидек бўлди. Шахсан ўзим жуда қониқдим. Кўп йиллик тажрибали актёрлар каби ролни ма-

кат қиладиганларнинг сирини кўрқмай ошқора этаётганлар ҳам кам эмас, албатта. Фильмда ана шундай бойваччалардан бирининг манфур ишлари ва уни фош этиш йўлида кўп қийинчиликларга дуч келган ва мардонавор туриб, адолатни, қонунни ҳимоя қилган ички ишлар ва прокуратура ходимларининг фаолиятини кўрсатишга ҳаракат қилганмиз. Адолат ва ҳалоллик барибир голиб келиши исботини топган.



Суратга олиш жараёнидан лавҳа

чорлайди. Ҳар бир студия хорижий давлатларда бўлганидек томошабинни ўзига жалб этиш учун ҳар томонлама мукамал, пишиқ, пухта фильмлар яратишга ҳаракат қилади. Яхши сара фильмлар эса кино санъатимизнинг ривожига ҳисса бўлиб қўшилади. Аммо мазмунан саёз, энгил-елпи сюжетли фильмлар эса томошабинни кинога, аниқроғи миллий киносанъатимизга бўлган ихлосини қайтаради.

— Айрим кўшиқчиларнинг фильмларда суратга тушаётгани ҳам эриш туюлади.

— Санъат йўлига кирган кишини чегаралаб бўлмайди. Машҳур, санъат дарғаларини серқирра ижодкор эди деймиз. Театрдаги, кинодаги роллари бетакрор бўлган. Яна қойил қилиб кўшиқ ҳам айтган. Ўшаларга ўхшашга ҳавас қилиб, интилиш

ҳоратли ижро этган.

— Дарвоқе, янги фильмингиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг фаолиятига бағишланган экан-а?

— Ҳа, «Суиқасд» фильмида ички ишлар, прокуратура ходимларининг фаолияти тасвирланади. Айрим кишилар ана шу хизматлар ходимларини таъмагир, порахўр деб ҳисоблашади. Тўғри, шולי орасида курмак ҳам бўлганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда баъзи нопок кишилар ҳам учрайди. Аммо ҳаётини хавф остига қўйиб, қуролланган жиноятчиларга қаршилик бораётган, кимларгадир суяниб, ҳаром-хариж топган бойлигига ишониб, кўнгли тусаган ишни қилиб, дўппи тор келганда айбини пул билан беркитишга ҳара-

— Сиз ўзингиз яратган фильмларнинг сценарийсини ҳам ёзасиз. Бир кишига оғирлик қилмайдими?

— Фильмни ишлаш чоғида режиссёр ва сценарий муаллифи гўё бир кишидай бўлиши, яъни фикрлари бир жойдан чиқиши керак. Лекин барибир икки киши икки фикрловчи-да. Гоҳида фильмни суратга олиш жараёнида режиссёрда янги фикр туғилиб қолади. Унга сценарий муаллифи кўнмаслиги мумкин. Мен аввалдан сценарийни ўзим ёзишга одатланганман. Уни ўзим хоҳлаганча, актёрлар, операторлар билан маслаҳатлашиб ўзгартиришим мумкин бўлади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатни Садриддин ШАМСИДДИНОВ ёзиб олди.



«Ватан» фильмидан лавҳа.

Мухаммад Юсуф адабий тахаллуси Баёний XIX аср II ярми ва XX аср бошларида Хоразмда яшаб ижод этган замонасининг забардаст тарихнавис олими, ажойиб шоири ва мохир таржимони бўлган. Баёний тарихнавис олим сифатида «Шажарайи Хоразмшоҳий» ва «Хоразм тарихи» номли тарихий асарларини ёзди. Қатор тарихий асарларни арабча ва форсчадан ўзбек тилига таржима қилди, шоир сифатида эса мукаммал девон тузди.

У Хивада хонлик қилган Элтузархон (1804–1806) авлодидир. Унинг отаси Бобожонбек Оллоберди Тўранинг ўгли бўлиб, Элтузархоннинг набираси эди. Баёний 1859 йилда

Хивада дунёга келади ва ёшлиқдан бошлаб илм, адабиёт, шеърятга қизиқди. Баёний ўз замонасининг атоқли хаттотларидан ва мусикашуносларидан бири ҳам бўлган. У сулс, куфий, райхо-

БАЁНИЙ

(1859–1923)

ний, шикаста ва бошқа хил хатларни яхши билган.

Баёний ўзидан бой ёзма мерос қолдирди. Баёнийнинг мазмундор ва ажойиб газалларини ўз ичига олган девонининг бир неча нусхаси қўлёзма ҳолида сақланмоқда. Шунингдек, «Шажарайи Хоразмшоҳий» ва «Хоразм тарихи» номли тарихий асарлар яратди. Муаррихнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий» рисола-сида Абдулғозийхон Мунис ва Огаҳий қаламга олган давр ва Хива хонлигида 1873 йилдан 1914 йилгача

содир бўлган тарихий воқеалар тасвирланган.

«Хоразм тарихи» асарининг илк боблари маъно жиҳатидан «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарига ўхшаб кетади. Лекин ёзилиш услуби билан ундан фарқ қилади. Муқаддимада кўрсатишича, Баёний ўз асарини кўпчилик баҳра олсин учун содда тил билан ёзган. Афсуски, 15 бобдан иборат бу асарнинг фақат 8 бобигина сақланган. Қолган боблари йўқ. Унинг ягона нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар

Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзма асарлар хазинасида сақланмоқда.

Баёний бу асарларни ёзиш билан бир қаторда, кўпгина тарихий асарларни ўзбек тилига таржима қилган. У Мавлоно Дарвеш Аҳмад томонидан араб тилида ёзилган умумий тарихга оид «Саҳойф ул-аҳбор» номли катта асарни ўзбек тилига ўгирган. Баёний шунингдек Биноийнинг «Шайбонийнома», Жарир ат-Табарийнинг «Тарихи Та-

барий» номли асарларини таржима қилган.

Баёний бошқа таржимонлар томонидан таржима қилинган асарларни таҳрир ҳам қилган. Атоулла ибн Фазлулла Хусайний томонидан ёзилган «Равзат ул-аҳбоб» номли асарнинг II қисмини ўзбекчага ўгирилган таржимасини таҳрир қилган.

Бир сўз билан айтганда, Мухаммад Юсуф Баёний ўз замонасининг талантливий шоири, атоқли тарихнавис олими ва мохир таржимонидир. У ўзбек маданияти тарихида ўзига хос фахрли ўринни эгалайди. Олим ва шоир томонидан яратилган адабий ва тарихий асарлар ўзбек халқи маданияти тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

КҮЙ.
Одамлар ўртасида хурмат-этибор қозонасиз. Ҳатто кимдир сизга кўнгил кўйиши мумкин. Бунинг учун уларга этиборлироқ бўлишингиз талаб этилади.

СИГИР.
Софдил ва меҳнатсеварлигингиз барчада яхши таассурот қолдиради. Ички туйғунингизга таяниб иш кўрсангиз ютқазмайсиз.

ЭГИЗАКЛАР.
Меҳнат қилиш ҳамда фаол дам олиш учун кулай ҳафтадир. Янги дўстлар орттиринг. Узингизга ҳаддан ташқари бино кўймаганингиз маъқул.

ҚИСҚИЧБАҚА.
Фаолиятингизнинг барча жабҳаларида муваффақиятга эришиш имконияти бор. Бу вақт ичида талайгина орзуларингиз рўёбга чиқади. Ота-онангизни бориб кўришга вақт ажратинг.

АРСЛОН.
Ҳаётингизда қутилмаган ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Узингизга қадрли бўлган инсон билан муносабатни бузмасликка ҳаракат қилинг. Белгиланган ишлар ўз маромида боради.

БОШОҚ.
Молиявий масалалар ечимини топишингиз зарур. Кўзланган мақсадга эришишнинг энг яқин йўллари топинг. Дўстларингиз сизни қўллаб-қувватлайдилар.

ТАРОЗИ.
Ойлангизда тотув ҳаёт кечириб, хушмуомала бўлинг. Бошингиздан турли саргузаштларни кечиришингиз мумкин. Хизмат вазифаларингиз зиммангизга катта масъулият юклайди.

ЧАЁН.
Сабр-тоқатли ва кузатувчанлигингиз кўп воқеалардан хабар топиш имконини беради. Кўлга киритилган маълумотлардан фойдаланмай турганингиз маъқул. Имкон қадар низолашмасликка ҳаракат қилишингиз лозим.

ҲЕЙ.
Агар одамлар билан муносабатингиз кўнгилдагидек кечмаса буни ҳеч кимга сездирманг. Ҳафтанинг охирига бориб яна ҳаммаси ўз ўрнига тушади.

ТОҒ ЭЧКИСИ.
Қизиқувчанлигингиз мавқеингиз яхшиланиб боришига олиб келади. Янги вазифаларни бажаришга киришмай туришни маслаҳат берамиз.

ҚОВҒА.
Яқин кишиларингиз билан муносабатларда яқдиллик ҳукм суради. Кўп вазиятларда, ҳатто жиддий эътироз билдиришса ҳам баҳслашмаганингиз маъқул.


БАЛИҚ.
Фантазиянгни ишга солиб, севги ва шон-шухрат ҳақида ҳаёл суринг. Ҳадемай орзуларингиз рўёбга чиқади. Бирор юмушга қўл уришдан аввал қалбингизга қулоқ тутсангиз кўнгилдагидек битади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Навоий вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони командири, подполковник **Улугбек АРИПОВ**нинг таваллуд айёми муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга мустақкам саломатлик, узоқ умр, олий бахт, оғир ва шарафли хизматларида муваффақиятлар тилаймиз. Қалбингиздан қувонч, хонадонингиздан хурсандчилик, файз-барака аримасин.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.


ҚАРАНГ: НИМАНИ КҮРЯПСИЗ?



Қадрли муштарий!

Этиборингизга ҳавола этилаётган ушбу тасвир сизни гўзалликнинг сирли оламига олиб киришига шубҳамиз йўқ. Фақат бунинг учун бир оз иштиёқ ва интилиш бўлса бас.

Тасвирда ажойиб сурат яширинган. Уни кўриш учун тасвирни кўзингиздан 2-2,5 см узоқликда ушланг ва диққатингизни бир нуқтага жамланг. Бир неча сониядан сўнг тасвир чаплана бошлайди. Нуқтадан кўзингизни узмаган ҳолда тасвирни узоқлаштиринг. Ана шунда кичик «мўъжиза» юз бериб, кўз олдингизда тасвирнинг ички кўриниши намён бўлади ва сиз ажойиб шаклни гўзал бир манзарада кўрасиз.



Авалги сонда берилган стерео-тасвирнинг кўриниши

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган айрим фирма ва ташкилотлар ҳисоб рақамларидаги маблағларни ҳужжатларни сохталаштириш орқали нақд пулга айлантиришган. Бу эса мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Чунончи, «Мультимат» масъулияти чекланган жамияти ўтган йили Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Сирғали бўлимидан маҳсулот ишлаб чиқаришда қўлланиладиган замонавий технология сотиб оламиз деб, 400 миллион сўм кредит олади. Жамият раҳбари С. Санжар шериги А. Имом билан тил бириктириб, ҳужжатларни сохталаштириш орқали пулларни Фарғона




вилоятида рўйхатдан ўтган «Бештерак неъматлари» хусусий корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб, нақд пулга айлантириб олишади. Мазкур ҳолат юзасидан беш нафар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлиб, етказилган зарар айбланувчилардан ундириб олинди.



Қамаши тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тadbир давомида ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган ишбилармонлар фош этилди. «Файз-деҳқон» бозори олдида жойлашган савдо дўконларининг бирида фуқаро Т. Асрор мижозига 220 дона ярим литр сиғимдаги, қўлбола усулда тайёрланган спиртли маҳсулотларни 165 минг сўмга сотаётган чоғида ушланди. Ушбу спиртли ичимликлар шу туманда яшовчи М. Абдухоннинг хонадонидан тайёрлангани аниқланди. Унинг уйи кўздан кечирилганда, турли ёрликлар, бўш шиша идишлар, қопқоқлар ҳамда ароқ тайёрлашда ишлатиладиган ускуналар топилди.

Хулоса шуки, бугунги тadbиркорлар мавжуд қонунларга ҳурмат билан қарамоғи лозим. Чунки ҳар қандай қонунбузарлик учун жазо муқаррар.

ҲАР ҚИМКИ ЁМОН БЎЛСА...



Республика ИИБ ЖК ва ТҚКББ наркотик ва наркотрафик моддаларнинг гайриқонуний айланишига қарши кураш бошқармаси тезкор вакиллари андижонлик Фани исмли шахснинг гиёҳфурушлик фаолиятини синчковлик билан ўрганишди. Гиёҳфурушни ўтган ойда пойтахтнинг Қўйлик даҳасидаги хонадонларнинг бирида катта миқдордаги героинни 12 минг АҚШ долларига сотаётган пайтида қўлга олишди. Баъзилар гиёҳвандлик моддалари олди-сотдисида билиб-билмай аралашиб қолади. Лекин О. Фани аввал ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида ишлаган бўлишига қарамай, ушбу жиноий хатти-ҳаракатни билиб, онгли равишда содир этган. Шунингдек, гиёҳвандлик моддаларини сотиш, сақлаш, қўшни давлатлар ҳудудларидан олиб ўтиш мақсадида ҳамкорлик қилган шерикларининг ҳам сирини очилди. Энди Й. Муҳам-

маджон ва Ҳ. Мавлуда ҳам қонун олдида жавоб беришига тўғри келади. Суриштирув ишлари жараёнида Фанининг яна бир ҳамтовоғи тузоққа илинди.

Тошкент туманидаги автобус бекатида ўтказилган тadbирда катта миқдордаги «оқ ажал»ни 15 минг АҚШ долларига пуллаётган Р. Фулом ушланди. Шунингдек, Ангрен шаҳрида яшовчи Ж. Саиднисо, янгийўлик Қ. Гулбаҳор ҳамда унинг қўшниси Фахриддинларнинг уйлари гумонланиб текширилганда, наша ўсимлиги парвариш қилинаётганлиги аниқланиб, тегишли тартибда йўқ қилинди. Бундан ташқари, Қуйичирчиқ туманида яшовчи Р. Қобил, унинг қўшниси С. Абдуманнопов ва чинозлик Ҳ. Нуралларнинг уйларида марихуана гиёҳвандлик моддаси топилди ва ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.


Боғот тумани ИИБ навбатчилик қисмига фуқаро А. Сафаргулнинг уйидаги сандиқ ичидан 780 минг сўм пул ўғирлаб кетилгани ҳақидаги ариза келиб тушди. Воқеа жойига етиб борган тезкор-тергов гуруҳи жиноятни очиш мақсадида гумондорларни бирма-бир назоратдан ўтказди. Шундан сўнг гумондор тариқасида жабрланувчининг опаси А. Фазилат сўроқ қилинди. У терговчининг саволларидан довридаб қолди ва бўлган воқеани гапириб берди...

Халқимиз «Ўзимдан чиққан балога, қайга борай давога» деб бежиз айтмаган экан.

Бекорчиликдан жамият ва фуқароларга зиён етказувчи кўплаб ноҳушликлар келиб чиқади. Жалолқудуқ тумани «Пахтакор» ширкат хўжалигида яшовчи И. Эркин ва С. Абдурасуллар ота-оналарининг бекор юргандан кўра, бирон бир фойдали иш билан шуғулланишлар, деган насиҳатларига қулоқ туттирмади, аксинча, ишламасдан пул топиш йўллари қидиришди.

Кунларнинг бирида икковлон «Жанубий Оламушук» адирига чиқишади. Уларнинг нигоҳи ямояшил бўлиб турган ўтлоқ эмас, бир маромда ишлаб, нефть қазиб олаётган мосламаларнинг ҳаракатланишида эди. Улар ушбу жараёни зимдан кузатдилар.

Ярим тунда адирга яна келган ҳамтовоқлар нефть қувурларини мослама ёрдамида тешиб, қиймати 240 минг сўм бўлган 810 литр нефть маҳсулотларини машинанинг юкхонасига жойлаб, сотиш учун олиб кетдилар. Лекин улар манзилга ета олишмади. Ушбу ҳудудда ўз хизмат вазифаларини бажараётган туман ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси ходимлари, катта сержантлар Элёр Юсупов ва Баҳром Жалолдидиновлар ташмачиларни жиноят устида қўлга олишди.



Ўқотар қуролларни ноқонуний сақлаш оқибатида кўнгилсиз ҳолатлар юзага келмаслигига ким қароқчи бера олади?! Ички ишлар ходимлари аҳоли ўртасида ўтказилаётган учрашувларда қуролларни хонадонларда ҳужжатсиз сақлаш ва ундан фойдаланиш қонунда қатъий тақиқланганлигини тушунтиришмоқда. Таъкидлаш лозимки, айрим фуқаролар қуролни ўз ихтиёрлари билан ички ишлар идораларига топширишни пайсалга солишяпти. Косон туманида яшовчи Ш. Жума хонадонидан «ТОЗ – 16» русумли ўқотар қуролни ноқонуний сақлаб келгани аниқланди. У қурол ҳамда уч дона патронни 290 минг сўмга пуллаётган чоғида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.



Биз кўпинча иқтидорли ёшларимиз ҳақида фахрланиб гапирамиз. Рус ёзувчиси Гоголь айтганидек, «Ёшлиқ шу нарса билан бахтиёрки, унинг келажаги бор». Афсуски, келажагини ўз қўли билан барбод этаётган ёшлар ҳамон орамизда учраб турибди.

Шу кунларда пойтахтнинг Яккасарой тумани ИИБ тергов бўлимида вояга етмаган 4 нафар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Бу йигитчаларнинг уч нафари, яъни Станислав, Илдар, Абдорлар анчадан буён Бобур кўчасидаги «Навия-савдо» масъулияти чекланган жамиятга қарашли интернет-клубга бориб туришарди. Клуб мудирининг ўрнига бошқа бир киши ишни бошқариб туришидан хабар топган уч оғайни ўйлаган режаларини амалга ошироқчи бўлишади. Станислав клубга кўнгиноқ қилиб, вақтинчалик мудирга «Мен зал мудирман, компьютер блокинни тузатишга бериб юбор» деб ҳамтовоғи Темурни юборади. Ўлжани қўлга киритган шоввозлар уни сотишга ҳам улгурадидилар. Бу ҳолатдан хабар топган ички ишлар ходимлари тезкор тadbир ўтказиб, жиноятни очишга эришдилар. Кейинчалик тергов жараёнида аниқланган, 300 минг сўмлик «Кентун-Н» компьютери эгасига қайтарилди.

Хива туманида яшовчи Ж. Ўктамнинг уйига қўшниси Т. Эркин қўлида пичоқ билан бостириб киради. «Бойиб кетибсанми? Гидамларни қаердан олдинг, уларни бермасанг, ўзингга ҳам, болаларингга ҳам ёмон бўлади» дея қўрқитади. У босқинчилик жиноятини содир этиб, қўшнисининг 3 та гиламини олиб кетади. Эркин илгари ўз акасини ўлдириб, қатор жиноятлар содир этиб, жазоланган бўлишига қарамай, ҳамон тўғри хулоса чиқармаган кўринади.

Азиз муштарийлар. Сизларга маълумки, вилоятлар ИИБларининг нашрларини шарҳлаб бораёпмиз. Унда эришилган ютуқлар билан биргаликда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам рўй-рост айтилмоқда. Аини пайтда мақолалар ичидан энг сараларини танлаб олиб газетамиз саҳифаларида бериб беришга ҳам қарор қилдик.

Қуйида ана шундай сара мақолалардан бири қисқартирилган ҳолда ҳукмингизга ҳавола этилаяпти.

... Оллоберди бобонинг худодан тилаб олган, кампири билан турмуш кургандан сўнг ўн йил деганда кўрган фарзанди. Хотини раҳматли Ойсара момо ўғлининг талтайиб кетишини хоҳламасди. Аммо Эрмат бобо унинг кўнглига қарарди. Оллоберди қишлоқда биринчилардан бўлиб велосипед минганди, кийимларнинг сарасини кийиб, емагининг ками бўлмади. Барибир Ойсара момо вақти-вақти билан Оллобердини тергаб, баъзан калтакларди. Шу сабаб бўлса керак ўғил онасига бемехр бўлиб ўсди, отасини кўрганда ортиқча талтайиб кетарди. Шу тариқа мактабни битирган эрка ўғил инженерлар тайёрлаш институтига ўқишга кирди. Иккинчи курсда ўғил бош оғриғини баҳона қилиб ўқишни йиғиштириб қўйди. Аммо шаҳардан оёғини узмади. Отасининг тўплаб қўйганларидан чўнтагини тўлдириб шаҳарга кетар, баъзан маст ҳолда зўрға эшикдан бош суқарди.

Кунларнинг бирида қишлоққа милиция машинаси келганда кўпчилик ҳайрон қолди. Машина Эрмат чолнинг эшигига келиб тўхтаганда эса қишлоқ одамлари бир нарсани сезгандек бўлишди. Ойсара момо тандирдан нон узаётганди. Нотаниш одамларни кўриб бир ажабланди, бир кўнглига қаердаги ўйлар келди.

— Болам, нима гап, тинч-

даладан келиб, сўрида ҳолсиз ўтирган чол дарвозанинг гижирлаб очилишидан кўзларини хиёл очди. Дарвоза ёнида баланд бўйли, биров букчайган одам турарди. Чол нурсиз кўзларини қадади. Бироздан сўнг дарвозадаги ўғли Оллоберди эканлигини ички бир туйғу билан сездию, илкис қадини кўтарди...

Эртаси кун қишлоқдагилар

нураган жойларини тузатди. Учинчи кун деганда отасига юзланди:

— Ота, мен шаҳарга бориб ҳужжатларимни тўғирлаб келай. Тагин озроқ юмушим ҳам бор. Агар бўлса, тўрт-беш сўм беринг.

Ота индамай ичкарига кириб кетди-ю рўмолга ўралган бир даста пул олиб чиқди.

Оллоберди шаҳарга кетди. У қамоқда тагин айнаган, эндиликда гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғуллангани уюшган жиноий гуруҳ аъзоси сифатида энг қабиҳ жиноят сари қадам қўйганди. Оллоберди кейинги ҳаётидаги фаолиятини имкон қадар отасига билдирмасликка ҳаракат қиларди.

хонадагиларнинг охирги сўзлари уни тагин сергаклантирди.

— Бугун дорини нариги томонга етказиб бериш шарт. Халақит бергани шартга отиб ташланглар. Қайтиб бу ёқларга ўн йилларча келмаймиз, — деди қайси биридир дўриллаган овозда.

Эрмат чол титраб кетди. Шартта эшикни очиб ичкарига кирди. Осма чироқ ёруғида ҳамма унга ялт этиб қаради. Чол газабдан дир-дир титраб турарди.

— Оллоберди, бу йўлларингдан қайтларинг. Оқибати яхши бўлмайди. Ўз оёқларинг билан жаҳаннамга бораёпсанлар. Барибир йўл қўймайман. Ҳозироқ қишлоқни оёққа турғазаман.

Чол шахдам ортига бурилди. Хонадагилар бир пас серрайиб қолишди. Сўнг ўзларига келишди-да, ташқарига отилишди. Чол дарвозага етиб қолганди. Тўдабошининг буйруғи билан Оллоберди югуриб бориб автомат кўндоғи билан отасининг бошига урди. Чол оҳ деб йиқилди. Оғзидан лахта қон келиб типирчиларкан базур сўнги сўзларини пичирлади:

— Оқ қилдим, Оллоберди, худо жазонинг берсин, илоҳим бекафан кетгин.

Шу пайт осмон тарс ёрилгандек чақмоқ чақди, ёмғир челаклаб қуйди. Тун янада қорайиб кетгандек бўлди. Тўда эса шошиб дарё томон борарди. Дарё пўртана бўлиб ҳайқариб оқар, тўда олдиндан тайёрлаб қўйилган қайиққа ўтириб уни базур бошқариб борарди. Осмон тагин ҳайқирди. Дарёнинг улкан тўлқини қайиқни хасдек учуриб тўнкариб юборди. Ота қарғишини олган Оллоберди ва шериклари пўртанали сувга гарқ бўлишди...

Раҳим Тўрақулов.

(Сурхондарё вилояти ИИБ «Халқ нобони» газетасидан олинди).

ҚАРҒИШ ОЛГАН

ликми? — момонинг юраги ҳап-риқди.

— Ўғлингиз қиморбозлар тўдасига кириб қолган, кун кеча ўртада жанжал чиқиб бир шеригини пичоқлаган, яна бирининг кўлини синдирган.

кўнги сўрага келишди. Кўшнининг келинлари елиб-югуриб хизмат қилишди. Кечга бориб ҳовли тинчиб қолди. Ота-бола сўрида бир-бирига сўзсиз тикилиб тури-



ЎҒИЛ

шаркан, чол томоқ қирди:

— Ўғлим, тақдир экан, йўқ жойларни кўриб келдинг. Онанг бечора ҳам армон билан кетди. Энди нима қилмоқчисан, шундан гапир?

— Ота, у ёқда кўрганларим бир умрга етади. Энди йўлимни топиб оламан. Насиб бўлса, онамнинг қабрига энг катта мрамртош қўяман. Мен энди нима қилишимни биламан. Ҳали ҳаммаси изга тушиб кетди ишонаверинг.

Оллоберди бир-икки кун отасининг ёнида бўлди, ҳовлининг

Хазонрезги кунларининг бирида осмонни булут қоплади. Тун ўз пардасини ёпган ярим тунда Оллоберди яшаётган хонадон дарвозаси олдида катта-кичик иккита машина келиб тўхтади. Сергак ётган Оллоберди шошиб ташқарига чиқди-ю, дарвозага юрди. Дарвоза олдида тўрт нафар киши бетоқат турарди.

— Қани, ичкарига қиринглар тез, биров сезмасин. Бахтимизга чироқ ҳам ўчган. Ортимдан келаверинглар. Ҳеч ким йўқ. Ёлғиз отам ўликдай ухлаб ётибди.

Бу вақтда Эрмат чол ухламаганди. Ўғлининг яна бир даҳшатли жиноятга қўл ургангани сезди-ю каловланиб бўлса-да, эшикка яқинроқ келди. Нариги

БИР ЖИНОЯТ ТАҲЛИЛИ

Ривоят қилишларича, бир киши фарзанд кўрибди. Орадан олти ой ўтгач, зурриёдини кўтарганча фозил кишининг ҳузурига борибди.

— **Боламни ўз тарбиянгизга олсангиз, — дебди кўлини кўксига қўйиб. — Шояд у келгусида эл-юртга нафи тегиб, мен ва онасига раҳмат келтирса.**

— **Боланинг туғилганига қанча бўлди? — деб сўрабди донишманд.**

— **Олти ой, — дея жавоб қайтарибди ота.**

— **Аттанг, — деб бош чайқабди донишманд. — Бола тарбиясида олти ой кечикибсиз...**

Бу ривоятни эшитмаган одам бўлмаса керак. Аммо баъзиларнинг наздида «эски ашула»ни қайтаришдан муайян иддаомиз бор. Бу ҳақда сал кейинроқ тўхталамиз...

Мазкур воқеа шу йил ёз кунларининг бирида Навбахор қишлоғида юз берди. Жабрланувчи Ф. Жўрахон тахминан соат 5.00 ларда «Навбахор-Яйпан» йўналиши бўйича қатновчи машиналар турадиган бекатга келди. Кўлидаги ичида анча-мунча пул бўлган елим халтани ўриндиққа қўйди-ю, машина келишини сабрсизлик билан кута бошлади. Боя кўргани — «Карим ота» чойхонаси олдидаги сўрида икки кўлини бошига ёстиқ қилиб ётган, чамаси 24-25 ёшдаги йигитча бир неча марта у ёқдан-бу ёққа ўтганида хавотирга тушмади. Уни чойхона қоровули бўлса керак, деб ўйлади. Орадан бир оз ўтгач, йигитча ўриндиққа омонатгина ўтирди.

Беҳад шошаётгани учун типирчилаб турган аёл беихтиёр унга қараб:

— Соат ҳам олти бўлиб қолгандир-а? — деди.

— Ҳа, олти бўлиб қолди, — деди йигитча.

— Яйпанга қачон машина бўлади ўзи? — Ҳозир келиб қолади.

Худди шу пайт Яйпан томонда «Дамас» кўринди.

— Ана, келди, — деди йигитча.

Аёл машинага қараб чалгиган пайтда йигитча аёлнинг ортига ўтиб, ичида 965 минг сўм пули бор халтани юлқиб олди ва ошхона томонга қараб қочди. Бунақа ҳолат-

да аёл кишининг кўлидан нима ҳам келарди. «Ўғрини ушланглар!» — деб бақира олди, холос. Йўлнинг нариги томонида бир сотувчи молларини растага тараётганди. Ёрдан зарурлигини англаб, ўғрини қувиб кетди. Ўғри тобора узоқлашиб бораётганди. Зум ўтмай у ҳам, қувлаб бораётган киши ҳам кўринмай қолди. Шу

ган кўйи ухлаб қолибман. Тонг саҳарда уйғониб, сомсахона томонга юрганымда бекатда бир аёл тургани, унинг халтасида анча-мунча пул борлигини сездим. Кўрдиму ўғирлаш нияти туғилди. Пулни олиб қочгач, мактаб деворидан ошиб тушиб, ўша жойда анча ўтирдим. Кейин яна йўлга чиқиб, Туйчибой аканинг устахонасига кирдим.

Мазкур иш юзасидан бир неча фуқаро гувоҳ сифатида терговга чақиртирилди. Улардан бири «Дамас» автомашинаси ҳайдовчиси Иброҳим Авулчаев. Устахонадан чиққан гумондор Иброҳим Авулчаевдан 6 минг сўм эвазига Кўқондаги янги бозорга олиб бориб-келишини илтимос қилган. У

қувватга тўлган, халқ таъбири билан айтганда, тоғни урса талқон қиладиган ёшда. Бекорчи ҳам эмас, тайинли иши бор — фермер хўжалиги аъзоси. Унда гап нимада? Гап — унинг юқоридаги ривоятда айтилганидек, тарбия бобида кечикканида эмас, балки ўзбекона қадриятлар сарчашмасидан умуман бебаҳра қолганида. Ишга кетаяпман, деб уйдан чиққан йигитча далага ҳам бормайди, уйига ҳам қайтмайди. Унинг қаерда қолгани ҳеч кимни ташвишлантирмайди. Ана энди ривоятда айтилганидек, фарзанд тарбиясида олти ой кечиккан ота билан ўғлининг бир кеча-кундуз дом-дараксиз кетганлиги билан мутлақо қизиқмаган ота ёки онани таққослаб кўринг.

Шу ўринда буюк мутафаккир Низомий Ганжавийнинг:

Аввал ғиштин қийшиқ қўяркан меъмор,

Юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор,

деган сатрларини ёдга олишинг ўзи кифоя.

Кўриниб турибдики, айрим кишилар фарзанд тарбиясида катта хатога йўл қўймоқда. Қолаверса, ёшларимизнинг баъзида жиноятга қўл уришларида ён-

атрофдагиларнинг ҳам «улуши» бор. Яна бир карра таҳлил қилиб кўринг-а, гумондор ўғирланган пулга бозордан сотиб олган буюмлару кийим-кечакларни ўз хонадонига олиб боришдан чўчиб, Исомиддиннинг дўконигаю, ҳайдовчи Иброҳим Авулчаевнинг уйига туширган. Нега улар ўғрилик қилган Шерзодга дакки беришмади, бу ҳақда гумонланиб, ички ишлар идорасига хабар қилишмади? Уларнинг бундай номақбул хатти-ҳаракатлари ўғрига бевосита ёрдам бериб, жиноят тегиригига сув қуйиш эмасми?

Юртимизда том маънодаги осойишталикни таъминлаш, фуқаролар ҳаёти ва молмулки дахлсизлигига эришиш учун ана шу жиҳатларга кўпроқ аҳамият бериш керакка ўхшайди. Сиз бунга нима дейсиз, азиз муштарий?

Раҳмонали ҚОСИМОВ.

«АВВАЛ ҒИШТИН ҚИЙШИҚ ҚЎЯРКАН МЕЪМОР...»

пайт яна бир «Дамас» келиб қолди. Аёл тезда туман ИИБга борди. Ходимларга бўлган воқеани шошилиб айтди-ю, машинага ўтириб, чиқмаган жондан умид қабилида кўчаларни қидира бошлади. Ва ниҳоят ўзини чирқиратиб, пулини олиб қочган йигитчани ИИБда кўрганида дарров таниди. У шу қишлоқда яшовчи К. Шерзод эди.

Дастлабки суриштирувлар жараёнида гумондор ўз қилмишига тўла-тўқис иқдор бўлди ва воқеа тафсилотини ипидан-игнасигача гапириб берди.

— Ўша кун кеч соат 21.00 ларда ўзим ишлаётган «Шерзод» фермер хўжалиги даласига бориш учун йўлга чиқдим, — деди у.

— Ёрқин деган танишимнинг Навбахор қишлоғида жойлашган видеосалонига кириб, кино кўрдим. Кейин «Карим ота» чойхонасига бориб, сўрилардан бирига ёнбошла-

бозорга боргач, 326 минг сўмдан ортиқ ҳар хил кийим-кечаклар, DVD плеер ҳамда рангли телевизор харид қилган. Қайтиб келгач, буюмларни Исомиддин исмли шахснинг дўконига туширган. Кийим-кечакларни эса вақтинча сизниқиди турсин, дея ҳайдовчининг уйида қолдирган. К. Шерзод гумондор тариқасида ушлангач, унинг ёнида қолган 604 минг 500 сўм пул ва харид қилинган буюмлар далилий ашё сифатида олиниб, жабрланувчига қайтариб берилди ва унинг даъвоси қондирилди. К. Шерзодга нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айб эълон қилинди.

Ана энди кейинроқ тўхталамиз, деган фикрга қайтсак. Хўш, Шерзоднинг жиноят содир қилишига жўялироқ асос борми? Назаримизда, мутлақо йўқ. Чунки у аини куч-



САЛОМАТЛИК

РЕЦЕПТЛАР + МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ + ТАВСИЯЛАР

Саломатликни тенгсиз дуру жавоҳирларга, улкан хазинага тенглаштирамиз. Тобимиз қочиб, соғлигимиз ёмонлашса, шифокор ҳузурига югурамиз. Шифокор эса ўз навбатида беморга касаллик ташхисини қўйишдан олдин тиббий, анализ лабораториясига юборади. Барча тиббий анализлар аниқланганидан сўнггина касаликка ташхис қўйиб, уни олдини олиш чоралари кўрилади.



Абдуғафорова, биринчи тоифали фельдшер-лаборант Санобар Пирматова, фельдшер-лаборант Муҳаббат Исоқова, лаборант Маъмура Азимовалар хизматдан беморлар мамнун.

— Жамоамиз жуда аҳил, — дейди олий тоифали шифокор-лаборант Мавлуда Алимжоновна. — Бу эса ўз навбатида ишдаги самарадорликка ижобий таъсир кўрсатади. Айниса, беморларнинг «рахмат, опажон» дейиши кўнглимизни тоғдек кўтариб юборади.

Ҳа, инсонлар дардига малҳам бўлиш, уларнинг

чеҳрасида миннатдорчилик аломатлари балқ уриб, беминнат хизматдан мамнун бўлишнинг ўзи катта бахтдир. Эл осойишталиги йўлида ҳормайтолмай хизмат қилаётган ходимлар соғлигини тиклашни ўзларининг кундалик иш режасига айлантириб олган саломатлик посбонларига куч-ғайрат ва омад тилаб қоламиз.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.

Суратларда: Тошкент шаҳар ИИББ поликлиникаси тиббий анализ лабораторияси фаолиятидан лавҳалар.

БЕМИННАТ ХИЗМАТ СОҶИБАЛАРИ

СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ

Тошкент шаҳар ИИББ поликлиникаси тиббий анализ лабораториясида бўлганимизда ўз касбига меҳр қўйган, ички ишлар ходимларининг саломатлиги учун қайғурувчи фидойи инсонлар талайгина эканлигига гувоҳ бўлдик.

Поликлиника тиббий анализ лабораторияси бошлиғи Валентина Василевская бизни очик чеҳра билан қарши олди. Унинг юз кўриниши, самимийлиги ҳамда беморларга илиқ муносабатда бўлишини кўрган ҳар бир инсонда кўп йиллик умри осойишталик посбонлари соғлиги учун меҳнати синганига амин бўлади.

— Қарийб ўттиз йилдан буён мана шу поликлиника анализ лабораториясида иш-


лаб келмоқдаман, — дейди Валентина Василевская. — Бўлинмамиз клиник ва биокимё лабораторияларидан иборат. Биокимё лабораториясида 20 дан ортик тестларни бажарамиз. Клиник лабораторияда эса кенг қамровли текширувлар ҳамда одатдаги қон ва пешоб анализлари аниқланади. Ушбу лабораторияларда икки нафар шифокор-лаборант, тўрт нафар фельдшер-лаборант ички ишлар ходимлари ҳамда уларнинг оилалари соғлигини аниқ натижалар асосида текширишга масъулдирлар.

Биокимё лабораториясига кирдик. Хонанинг тўрида ҳар

хил шаклдаги шиша колбалар ва лаборатория асбоб-ускуналари бор. Олий тоифали шифокор-лаборант Сурайё Обидова қон таркибини текшириш билан банд.

— Касалликни муваффақиятли даволашнинг энг муҳим шартларидан бири, аввало беморнинг қон таркиби ва пешоб анализини тўғри аниқлашдир, — дейди у биз билан суҳбатда. — Бунинг учун лабораторияда барча шарт-шароитлар яратилган.

Клиник лабораторияда узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган ўз касбининг усталари олий тоифали фельдшер-лаборант Дилбар



Асал тотимли, тенги йўқ табиий неъмат бўлиб, ҳам гизо, ҳам шифо сифатида жуда қадимдан маълум. Куч-қувватни, саломатликни сақлаш учун бошқа овқатлар сийғари севиб истеъмол қилинади.

Унинг таркибида 100 га яқин турли модда ва маъданлар мавжуд. Бу юк аллома Абу Али ибн Сино «Асалда тозаловчи, томирни очувчи қувват бор, чиркли чукур яраларни тозалайди. Куюлтиргунча қайнатилгани кўз хиралигини кетказади, суви меъдани кучайтиради ва иштаҳани очади», деган.

Қабзиятда, меъда ва ичак яраси касалликларидаяхши даво бўлади. Оғир ташмирдан чиққан беморлар учун ҳам

МИНГ ДАРДГА ДАВО

фойдалидир. Бактерияларга қарши курашиш хусусияти борлиги учун тез айнийдиган маҳсулотларни қадоклашда муҳим роль ўйнайди.

Халқ табобатида асални шифобахш гиёҳлар дамламаси ёки қайнатмасига қўшиб, турли жароҳатлар ва яраларни даволашда қўлланилади: 50 грамм эвкалипт баргига 0,5 литр сув солиб, 3-4 дақиқа дамланади. Докада сузиб олинган, 2 ош қошиқда асал қўшилади. Тайёр дамлама билан жароҳатлар ювилади.

Асал бошқа ҳамма озикли моддаларга нисбатан аъзойи танада 100 фоиз сўрилади. Унинг таркибидаги глюкоза ва фруктоза 20 дақиқадан кейинроқ қонда пайдо бўлади. Улар ҳазм бўлиши учун киши танасидаги ферментлар талаб қилмайди. Улар ингичка ичакдаёқ сўрилади бошлайди.

Асал таркибида қанд ва органик кислоталар кўп бўлгани учун

меъда-ичак йўли шиллик қаватида таъсир этиб, енгил сурги бўлади. Бунинг учун кишига 50-100 грамм тоза асал ейиш ёки уни сувда эритиб ичиш кифоя.

Болаларнинг ичи юришмаси (5-8 ёш) 30 грамм асални иссиқ сутта қўшиб кечкурун ётиш олдиан ичирилади.

Сабзи, ер қалампир шарбати, асал ва лимон тенг миқдорда олинади, (ҳар бирдан бир стакандан) ва яхшилаб аралаштирилади. Тайёр маҳсулотдан қон босими ошганда (гипертония) 2 ой мобайнида бир ошқошиқдан 3 марта ичилади. Асал анор шарбати билан ичилса, бўшаган мускулларга ёрдам бўлади. Юрак касалликларида асални 1 ошқошиқдан кунига 2-3 марта сут, сузма ёки бошқа маҳсулотлар билан истеъмол қилиш даркор. Пиёз ва асал аралашмаси эрталаб ва кечкурун еб юрилса, парижонхотирликда яхши натижа беради.

Шуни ёдда тутиш керакки, ҳар қайси касалликка алоҳида асал тури танланиши лозим. Масалан, юқори нафас йўллари шамоллаганда тоғ асали, ҳазм йўллари хасталигида — чул асали, юрак касаллигида ўрмон асали, буйрак касаллигида каштан асали қўлланилади.

Халқ табобатида асал жигар хасталигида кенг ишлатилади. Шунингдек, сарик касаллигида асал яхши наф қилади. Бунда эрталаб ва кечкурун 1 чой қошиқ асал олма шарбати билан ичилади. Асал асаб касаллигида 1-2 ой эрталаб ва кечкурун 30 гр, тушда 40 граммдан ичилади.

Кўз, қанд касалликларида, камқонликда, гинекологияда, ўткир ва сурункали тумовда, ўпка сили, аллергик касалликларда, зикқи нафасда ҳам асал фойдали.

Жуда фойдали экан деб уни ортиқча истеъмол қилиш зарар. Асални шиша ёки сопол идишларда қоронғи, салқин жойларда сақлаш керак.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришнос.

Ички ишлар идоралари ходими ҳар томонлама етук, жисмонан тиниқдан бўлиши лозим. Акс ҳолда олдинизга қўйилган вазифаларни тўлақонли бажаришда ҳузурли етишмовчиликларга дур келишимиз мумкин.

Фаргона вилояти ИИБ раҳбарияти ана шуни назарда тутган ҳолда ички ишлар идоралари сафларини эл-юрт олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этадиган, танлаган касбига иштиёқи баланд ва юқори малакали кадрлар билан тўлдиришга, ҳар бир ходимнинг жисмоний, жанговар ва касб маҳоратини муттасил такомиллаштириб боришга жиддий аҳамият қаратмоқда.

Вилоят ИИБ ҳамда унинг жойлардаги идора-



ФУТБОЛ

САЛОМАТЛИК ВА МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

лариди ходимларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишга алоҳида эътибор берилляпти. Мунтазам равишда жисмоний тарбия машғулоти ҳамда турли спорт мусобақаларининг ўтказиб турилиши ходимларнинг нафақат жисмоний тайёргарлиги,

балки касб маҳоратини оширишда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ва «Динамо» ЖТСЖ томонидан тақвимий режага асосан ўтказилаётган мусобақалар хо-

димларнинг жисмоний тайёргарлик машғулотидаги иштироки бўйича ўзига хос имтиҳон ролини ўтамоқда.

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида ўтказилаётган қўл жанги, мини футбол, футбол, волейбол, спорт кўпкураши бўйича мусобақаларда ички ишлар идоралари ходимлари юқори натижаларни кўрсатишмоқда.

Б. ОМОНЗОДА.

СУРАТЛАРДА: вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг жисмоний тайёргарлик машғулотидаги спорт мусобақаларидан лавҳа.

САФАРДАГИ МУҲИМ ҒАЛАБА

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 2007 йил бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати саралаш босқичининг навбатдаги тур учрашувини сафарда муваффақиятли ўтказди. Бангладеш терма жамоаси меҳмони бўлган вакилларимиз ишончли ғалабага эришдилар.

Дакка шаҳридаги «Армиячилар» ўйингоҳида бўлиб ўтган мазкур учрашувда футболчиларимиз тўртта жавобсиз тўп киритишга муваффақ бўлишди. Маълумки, Валерий Кузьмич шогирдлари саралаш баҳсларида учта ўйиндан бери муваффақиятсизликка учраб келишган эди. Аввалига сафарда Қатар терма жамоасига имконият бой берилди. Кейин эса Гонгконг билан бўлган баҳсда дуранг натижа қайд этилди. Гонгконгдаги жавоб

учрашувда эса ҳисоб очилмади ва вакилларимизнинг финал босқичига йўл олиши анча қийинлашиб қолди. Шу боис, Бангладешда бўлиб ўтадиган ўйинда ҳамюртларимиз учун ғалаба сува ҳаводек зарур эди.

Терма жамоамиз учрашувни ҳужумкор тарзда бошлади. Натижада ўйиннинг дастлабки дақиқаларида Италия «В» серияси вакили, Генуянинг «Же-

ноа» жамоасида тўп сураётган Илёс Зейтуллаевнинг аниқ зарбаси голга айланди. 18-дақиқада яна бир голга легионер футболчимиз, Қозоғистоннинг «Тобол» клуби аъзоси Улуғбек Бақоев муаллифлик қилди. Биринчи бўлимнинг кейинги дақиқаларида Сервер Жепаров ҳамда Максими Шацик томонидан киритилган голлар ўйин тақдирини ҳал қилди.

Иккинчи бўлимда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. Шундай қилиб мазкур ғалабадан сўнг терма жамоамизнинг очколари сони саккизга етди.

Миллий терма жамоамиз гуруҳдаги охириги учрашувни 15 ноябрь куни «Пахтакор» марказий ўйингоҳида Қатар терма жамоасига қарши ўтказди.


О. ЭЛТОВЕВ.



ТЕННИС

МОҲИРЛАР БАҲҶСИ

Пойтахтдаги «Тошкент теннис маркази» кортларида аёллар теннис уюшмаси — WTA туркумига кирувчи йирик мусобақалардан саналган хотин-қизлар ўртасида «Tashkent open — 2006» ананавий турнир ўз ниҳоясига етди.



Қарийб бир ҳафта мобайнида давом этган мазкур мусобақада Россия, Франция, Беларусь, Буюк Британия, Венгрия, Хиндистон, Италия, Канада, Хитой, Таиланд, Хитой Тайпейи, Украина, Хорватия, Чехия ва Швейцария сингари дунёнинг ўн олти мамлакатидан келган ракетка усталари ўзаро беллашдилар.

Мукофот жамғармаси 145 минг АҚШ доллари бўлган мазкур мусобақа қизгин ва мурасасиз баҳсларга бой бўлди. Финал учрашувда хитойлик теннисчи Тиангиан Сун ва ҳамюртимиз Ирода Тўлагановалар кортга чиқдилар. Беллашувда хитойлик теннисчи ҳамюртимизни 6/2, 6/4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Т. Сун «Tashkent open — 2006» мусобақасининг олдинги ғолиблари Анна Смашнова (Исроил), Бьянка Ламале (Германия), Мария Микаэля (Швейцария), Руано Паскуаль (Испания), Николь Вадисова (Чехия), Михаэла Крайчек (Голландия) ва Ирода Тўлаганова (Ўзбекистон)лар каби аёллар теннисиди иккинчи Осиё қитғаси вакиласи сифатида жой олди.

Эслатиб ўтамиз, ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова 2000 йил ушбу нуфузли мусобақада ғалаба қозонган ва профессионал теннисчилар ассоциацияси — АТРда ўз мавқеини мустақамлаб олган эди. Бироқ қўлидан олган жароҳати анча вақт мусобақаларда қатнашиш бахтидан мосуво қилди. У икки йил мобайнида бирорта ҳам мусобақада қатнашмади. Ва ниҳоят Тошкентдаги мусобақалар унга яна ўз мавқеини мустақамлашга имконият берди.

Мусобақанинг жуфтликлар ўртасида бўлиб ўтган беллашувларда белоруссиялик теннисчилар — Виктория Азаренка ҳамда Татьяна Пучекдан иборат омадли жуфтлик барча рақибларидан устун келиб, бош совринни қўлга киритди.

Ф. АЗИЗОВ.

БОКС

ҲАМЮРТИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Россия Федерациясининг Челябинск шаҳрида профессионал боксчилар ўртасида бўлиб ўтган халқаро мусобақада ҳамюртимиз Дониёр Раҳматуллаев навбатдаги рейтинг жангини муваффақиятли ўтказди.

Дониёр профессионал боксдаги фаолиятини ўтган йили бошлаган эди. У ўзининг саккизинчи жангида россиялик чарм қўлқоп устаси Сергей Богданов билан беллашди. Олти раундлик баҳсда Дониёр Раҳматуллаев тўлиқ устунликка эга бўлди. Учрашув давомида унинг ўта кучли зарбаларига зўрға дош берган россиялик боксчи кўп маротаба ноқдаун ҳолатига тушиб қолди. Жангда рақибидан ҳамма томонлама устунлик қилган Дониёр Раҳматуллаев ғолиб деб топилди.

Эндигина 23 ёшни қаршилаган боксчимиз профессионал боксда саккизта жанг ўтказиб, уларнинг олтитасини ўз фойдасига ҳал қилган ҳамда учтасида ўз рақибини муддатидан аввал енган, бир маротаба эса дурангга эришган.

Э. ОТАБЕКОВ.